Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 22 май, чоршанба • № 40 (10.815) • Эркин нархда сотилади

МДҲ ДОИРАСИДА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ДЕМОКРАТИК ҲАМКОРЛИК УЧУН

Таҳририятдан:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 17 май куни МДҲга аъзо давлатлар бошлиқлари кенгашининг мажлисидаги баёноти мазмунини эълон қилмоқдамиз, баёнот Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати томонидан тарқатилган.

СССРнинг парчаланиши — жаҳон тарихининг объектив ва қонуний ривожидир, деди Ўзбекистон Президенти, биз бундан мутлақо афсусланмаймиз. Янги давлатлар истиқлол ва мустақилликка эришгач, Россия демократик ислоҳотларни бошлаб, сиёсий ҳаётда ҳам, иқтисодий ҳаётда ҳам МДҲ мамлакатлари учун намуна бўлди.

Ҳозирги кунда Президент лавозими учун демократик вазиятда сайловолди кураши бормоқда, бу ҳам биз учун яхши намунадир. Табиийки, биз Россия бошлаган ислоҳотлар давом этиши ва муваффақиятли якунланишини истаймиз.

Яна бир жиҳат тўғрисида гапирмоқчиман. Биз собиқ советлар ҳудудида қарор топган ўзаро ҳурмат муносабатларига энг аввало, Россия ва унинг раҳбариятининг янги мустақил давлатлар барқарорлиги ва истиқлолини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда пухта ўйлаб ўтказаётган сиёсати сабаб, деб ҳисоблаймиз. Шубҳасиз, Россиянинг бу демократик йўлини ҳозирги кунда фақат янги мустақил давлатлар эмас, шу билан бирга бутун дунё қўллаб-қувватламоқда.

Сайловда россияликлар ва фақат россияликлар овоз беришини биламиз. Шу билан бирга МДҲ мамлакатларида яшаётган халқлар — биз Россия кимни сайлашига бефарқ қараб тура олмаймиз. Биз буни сир тутмаймиз. МДҲдаги бошқа мамлакатлардаги вазият Россия Президентликка кимни сайлашига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Башарти, Россияда демократик ислоҳотлар давом эттирилса — маълум бир вазият вужудга келади, коммунистлар ғалаба қозонса, вазият бутунлай бошқача бўлади. Бу шубҳасиз орқага қайтиш бўлур эди. Ҳеч шубҳасиз, коммунистларнинг ҳокимият тепасига чиқиши Россиянинг ўзидагина эмас, МДҲнинг бошқа давлатларида ҳам қарама-қаршиликларга олиб келади.

Мен бугун Борис Николаевич Ельциннинг келажакка ишонч билан қарашини қўллаб-қувватлаб, Россия демократик йўлини танлаб олди, деб ишонч билдиришни истар эдим.

ОЗАРБАЙЖОН ВА ГРУЗИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТАКЛИФИГА БИНОАН

Озарбайжон Республикаси Президенти Гейдар Алиевнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 27 май куни расмий ташриф билан Озарбайжон Республикасида бўлади.

***

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзенинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 27-28 май кунлари расмий ташриф билан Грузияда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ИЖТИМОИЙ ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфрастурктурасини ривожлантириш дастури тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги иштирокида тасдиқланган дастурни амалга ошириш юзасидан жойларда амалий ишларни ташкил этсинлар.

2. 1996-1997 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ҳамда асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланиши белгилансин.

«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси белгиланган буюртмачилар билан биргаликда қурилишларнинг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда тасдиқласин, уларда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг қишлоқ жойларда қурилишга тайёрлиги юқори даражада бўлган мактаблар ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилишини тугаллашга йўналтирилишини назарда тутсин.

«Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 1998-2000 йилларга мўлжалланган йиллик инвестиция дастурларини тузишда қишлоқнинг ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришга оид белгиланган топшириқларнинг бажарилиши учун маблағ билан таъминлашнинг турли манбалари ҳисобига зарур маблағлар ажратишни назарда тутсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг ана шундай дастурларини туманлар бўйича ишлаб чиқсинлар ҳамда уларни «Ўзистиқболстат» давлат қўмитасига тақдим этсинлар;

Бир ой муддатда тегишли лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда дастурда назарда тутилган қишлоқ умумтаълим мактаблари ва соғлиқни сақлаш объектларини реконструция қилиш, кенгайтириш ва қуриш ишларини амалга ошириш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрласинлар.

4. Ишларни мувофиқлаштириш ва тасдиқланган дастурни бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш учун 2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси:

Бир ой муддатда комиссия тўғрисидаги низомни ҳамда унинг иш режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2000 йилгача бўлган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастурининг қандай бажарилаётгани йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

1996 йил мобайнида фельдшер-акушерлик пунктлари ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бошқа муассасаларини қишлоқ даволаш пунктларига айлантириш ҳисобига қишлоқ соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширсин, ҳокимликлар билан биргаликда уларни малакали врачлар, тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари билан таъминласин;

1996 йил 10 июнгача бўлган муддатда қишлоқ даволаш пунктлари фаолиятини ташкил этишга оид норматив ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 21 май.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ОНА ВА БОЛАГА МЕҲР-МУҲАББАТ БИЛАН

Янгийўл туманидаги Халқобод шаҳарчасида янги «Она ва болалар» — туғишга ёрдам бериш акушерлик мажмуи очилди

Кенг ва ёруғ палаталар, замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган саккизта туғиш хоналари, кўз ёришга тайёргарлик ва туғишдан кейинги тиклаш бўлинмалари, дам олиш ва овқатланиш хоналари — буларнинг ҳаммасига бу ерда 1996 йил давомида олиб борилган тўла таъмирлаш ишлари натижасида эришилди. Бунинг учун беш ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шу шаҳарчадаги туман касалхонасини «Она ва болалар» мажмуига айлантириш ҳақидаги қарор тасодифан қабул қилинмаган эди. Зеро, Янгийўл туманида салкам 114 минг аҳоли яшайди, туғилиш даражаси анча юқори. Чунончи, мажмуа мудири У. Аҳмедовнинг гапига қараганда, ўтган йили бу ерда 3,5 минг нафар чақалоқ туғилган. Афсуски, минтақадаги мураккаб экологик вазият оқибатида ҳамма кўз ёришлар ҳам асоратсиз ўтмаяпти. Шунинг учун акушерлик мажмуи ишининг асосида туғиш ва туғилиш масалаларига замонавий ёндашув тамойиллари ётади. Аввало, бу ерда бола туғилганидан кейинги парвариш қилиш услубиятини жорий қилиш зарурлиги ҳисобга олинган. Бунда гўдак олам юзини кўрган дастлабки дақиқалардан бошлабоқ онаси ёнида бўлади. Амалий тиббиёт кўрсатганидек, бу йўл-йўлакай юзага келадиган кўпгина асоратларнинг олдини олиш имконини беради.

Бундан ташқари, мажмуада аёлларни туғишга тайёрлашга катта эътибор берилади. Аёллар маслаҳатхонаси кўрсатмалари ҳисобга олиниб, бўлажак оналар олдиндан стационарга ётқизилади. Бунинг учун барча муолажалар назарда тутилган. Физиотерапия, функционал диагностика, туғишга тайёргарлик хоналари бор. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Тиббиёт ходимларининг малакаси ҳам юксак. Уларнинг кўпчилиги ўтган йили давомида малака ошириш курсларида ўқидилар.

Жарроҳлик бўлинмаси ҳақида ҳам яхши гаплар айтиш мумкин. У асосий бино ёнида жойлашган. Лазер хирургияси, замонавий тиббиёт техникасининг коагуляция ва бошқа воситалари билан жиҳозланган бўлинма даволаш ва қатор операцияларни тиғсиз ўтказиш имконини беради. Туғруқхона ҳузуридаги хирургия бўлинмаси салкам бир йилдан бери муваффақиятли ишлаб турипти.

Асбоб-ускуналарнинг асосий қисмини «Тошвилтибтаъминот» етказиб берди. Айни вақтда «Тошвилнефтбазаси» ҳамда «Соҳибкор» ҳиссадорлик жамияти инсонпарварлик ёрдами сифатида ўз улушларини қўшдилар.

Шу куни шаҳарчанинг Маданият саройида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари ўз сўзларида «Она ва болалар» мажмуининг ташкил этилиши «Соғлом авлод учун» дастурини амалга оширишнинг муҳим бўғини бўлганлигини таъкидладилар. Бу дастурни мамлакатимиз ҳукумати ўтган йили қабул қилган эди. Дастурни тўла амалга ошириш учун ҳамма жойда мана шундай марказларни ташкил этиш лозим.

Йиғилганлар олдида республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш. А. Каримов ва Тошкент вилояти ҳокими Э. М. Рўзиев нутқ сўзладилар.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. Н. Жаҳонгирова, вилоят шаҳарлари ва туманлари ҳокимлари, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг масъул ходимлари, акушерлик ва гинекология соҳасининг етакчи мутахассислари қатнашдилар.

Н. ПЕТРАЧКОВА,
«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг махсус мухбири.



Янги очилган тиббий мажмуа. **Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

Ғалла мустақиллиги учун

ТЕХНИКА ЎРИМГА ШАЙ



Тошкент вилоятида ғалла ўрим-йиғимига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, бу йил аввалги йиллардан фарқли ўлароқ, барча ўрим комбайнлари туманларда бир жойга тўпланди ва таъмирдан чиқарилди.

Техника воситалари вилоят назорат комиссияси томонидан кўрикдан ўтказилиб, қабул қилинмоқда. Бу эса уларнинг мавсумда бенуқсон ишлашини таъминлаши, шубҳасиз.

Вилоят ғаллакорлари 131400 гектар майдонда пишиб етилаётган бошоқли дон экинларини 25 кунда ўриб-йиғиб олишга аҳд қилган. Шу мақсадда ўрим комбайнларига техник хизмат кўрсатиш учун 50 та кўчма таъмирлаш устахонаси ташкил этилиб, уларга «Ташсельмаш» заводи мутахассислари бириктириб қўйилди. Шунингдек, мавсум қатнашчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бажариладиган иш учун ҳар беш-ўн кунда ҳисоб-китоб қилиш тараддуди кўрилмоқда.

Вилоятда бу йил буғдойнинг «интенсивний» навидан ўн етти минг тонна сифатли элита уруғи тайёрлаш ҳам кўзда тутилган. Шу мақсадда 16 хўжаликни бирлаштирган «Элита» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси иш бошлади. Яна бир янгилик: вилоят дон маҳсулотлари концерни давлат буюртмаси учун топшириладиган ғалланинг сифатини аниқлаш мақсадида республика лойиҳа-қидирув агрокимё станцияси билан шартнома тузди. Кўрилаётган чора-тадбирлар ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, 214 минг тонна дон тайёрлаш имконини беради.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҲАР БОШОҚДА БИР КАФТ БУҒДОЙ

БЎЙИ белга урган ям-яшил ғалламорлар кучсиз шамол эпкинида денгиздай тўлқинланади. Ҳар бир тупининг банди бўлиқ, бошоқлари тўқ ва салмоқли.

— Кўринг, ҳар бир бошоғи нақ 12 сантиметрга боради. 1000дона дони эллик граммгача тош босади, — Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги раиси Абдуҳошим Қосимов мағзи ҳали қотмаган бир дона бошоқдаги ҳосилни салмоқлар экан, завқ-шавқ билан деди. — Калта бақай, қаттиқ шамолда ҳам ётмайдиган, ажойиб қилтиқсиз нав бу. Суғориладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 90 центнергача, лалми ерларда эса 30 центнердан ошириб ҳосил етиштириш мумкин.

Хўжалик бу йил 510 гектар майдонда ғалла етиштиряпти. Барча ерлар иккита бригадага бўлиб берилган. Исмат Каримов бошлиқ бригада 260 гектар, Абдулла Тўлаганов бригадаси 250 гектар ғаллазорда деҳқончилик қиляпти. Вақтида ўғитланган ва сув ичган бугдой бошоқлари кун сайин тўлишиб, оғирлашиб боряпти. Хўжаликда айни кунларда ўрим-йиғимга ҳам пухта тайёргарлик кўришмоқда. Мавжуд иккита комбайн таъмирлаб қўйилди.

— Ғалла майдонлари бу йил нисбатан кўпроқ бўлгани сабабли иккита комбайн ҳосилни саранжомлаб олишга ва ўримни қисқа муддатда ўтказишга камлик қилади, — дейди А. Қосимов. — Шу сабабли Оққўрғон туман деҳқончилик саноати уюшмасига ёрдам сўраб мурожаат қилдик. У ерда илтимосимизни эътиборга олиб, туманимизга ёрдамга келадиган комбайнлардан иккитасини хўжалигимизга ажратадиган бўлишди. Булардан ташқари ўтган йилдаги тажрибани бу йил ҳам қўлланиб, аҳолини ўрим-йиғимга фаол жалб қилмоқчимиз. Ўримчиларга ўрилган ҳар бир гектардаги ҳосил учун 400 килограммдан, комбайнчиларга эса 30 килограммдан буғдой беришни режалаштирганмиз. Шунингдек мавсум охиригача улар учун кунига уч маҳал иссиқ овқат ҳам тайёрланади.

Хўжаликда ғалла ўрим-йиғими бошланишига жуда оз вақт қолди. Ғаллакорлар мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўряптилар.

Раҳим ҚОДИРОВ.

«БОЙҚОЗОНДА» ЯНА БИР ТЕГИРМОН

ИЛГАРИ Паркент туманидаги бу корпорацияда иккита сув тегирмони мавжуд эди. Йилдан-йилга ўсиб бораётган аҳоли сони истиқболни кўзлаб бугундан тадбир кўришни тақозо этди. Тўла қувват билан ишлаб, бир кеча кундузда 20 тонна ун тайёрлаш имкониятига эга бўладиган тегирмон қуриш ғояси бир йил аввал туғилди.

Тегирмонни бунёд этишда корпорация Тошкентдаги 1-ун комбинати билан ҳамкорлик қилди. Янги тегирмон бу йил Ғалаба байрами куни иш бошлади. У фақат бойқозонликларгагина эмас, тумандаги бошқа хўжаликларга ҳам хизмат қилади.

Саид ВАЛИЕВ.

МАКТАБГА — «САМСУНГ»

Ўртачирчиқ туманидаги Фёдор Ли бошчилик қилаётган ўрта мактаб жамоасининг бир гуруҳ вакиллари ўтган йили Жанубий Кореяда бўлиб, бир олам таассурот билан қайтишганди.

Куни кеча жаноб Хан Хуан бошчилигидаги Жанубий Кореянинг Пангида вилоятидан ташриф буюрган делегация аъзолари мактаб жамоасининг азиз меҳмонлари бўлишди.

— Ўтган йилги сафар чоғида мактаб директори Федор Ильич Ли ўз жамоаси ҳақида бизга мароқли ҳикоя қилиб берганда, мен унча ишонқирамаган эдим, — деди жаноб Хан Хуан, — мана бугун ҳаммасини ўз кўзим билан кўриб, тўла ишонч ҳосил қилдим. Учрашувдан зўр таассурот олдим.

Бу мактабда мингга яқин болалар таълим олишади. Шулардан 200 нафари корейс миллатига мансуб. Улар аҳил ва иноқ яшаб, таълим-тарбия чўққиларини эгаллашмоқда. Мактабда корейс тили ҳам ўқитилади.

Меҳмонлар мактаб жамоасига «Самсунг» телевизори, видеомагнитофон ҳамда турли совғаларни топширишди.

Халқлар ўртасидаги бундай дўстона алоқаларнинг мустаҳкам йўлга қўйилиши ўқувчиларни нафақат яхши ўқишгагина ундамай, балки, Ўзбекистондек келажаги буюк Ватан фарзанди эканликларидан фахрланишга, бу туйғуни ҳар томонлама эъзозлашга ўргатади.

(Ўз мухбиримиздан).

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«ЙЎЛДА ЮРИШАДИ, ПУЛДАН УРИШАДИ»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил 20 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида таҳлилий мақола чоп этилган эди. Унда «Тошвилоятйўловчитранс» концернига қарашли қатор шаҳар ва туманлардаги автокорхоналар фаолиятида йўл қўйилган жиддий камчиликлар, йўловчи ташувчи автобусларда ишлаётган ҳайдовчиларнинг хизмат кўрсатишдаги нопок қилмишлари, қоидабузарликлари аёвсиз танқид қилинган эди.

Яқинда Ўзбекистон автомобиль транспорти-акционерлик корпорацияси бошқаруви раиси Л. Ахметов имзоси билан мазкур мақолага жавоб хати олинди. Унда жумладан, шундай дейилади: «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 20 апрель сонида босилган «Йўлда юришади, пулдан уришади» сарлавҳали мақола «Ўзавтотранс давлат акционерлик корпорацияси» бошқаруви томонидан синчиклаб ўрганиб чиқилди ва Тошкент вилояти солиқ бошқармаси ҳамда «Тошкент ҳақиқати» газетаси қўшма рейди изидан бориб, қўшимча текширув ўтказди.

Бошқарув раиси муовини М. Алиев бошқарган «Узавтотранс» корпорацияси бошқаруви раёсати кенгашида ушбу мақола ва қўшимча текширувлар натижаси муҳокама этилди. Унда «Тошвилоятйўловчитранс» концернининг 7 май куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида ушбу мақола юзасидан кўрилган чора-тадбирлар эътиборга олинди ва маъқулланди. «Тошвилоятйўловчитранс» концернининг 210-сонли буйруғи билан қоидабузарликлар аниқланган автокорхоналар раҳбарларига, ушбу концерннинг мутасадди ходимларига, ҳайдовчиларга нисбатан жазо чоралари кўрилган.

Раёсат кенгашида иштирок этган «Тошвилоятйўловчитранс» концерни, Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси, «Тошкент ҳақиқати» газетаси масъул ходимлари билан биргаликда автотранспорт корхоналарида йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ва йўл қўйилган камчиликларни тезда бартараф этиш бўйича тадбирлар белгиланди».

ТАҲРИРИЯТДАН: Ўзбекистон Автомобиль транспорти-акционерлик корпорацияси бошқарувининг ушбу мақолага алоҳида эътибор бериб, унинг изидан бориб, қўшимча тадбирлар кўрганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

ИСЛОҲОТ, МУЛКДОР, ТАРАҚҚИЁТ

«ҲИССАДОР БЎЛИБ, НИМАЛАРГА ЭРИШДИК»

«Бекободгўшт» ҳиссадорлик жамияти ўтган йили иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш натижасида барқарорлик сари қадам қўйди. Бу тамойил жорий йилда ҳам давом этмоқда. Ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режалар мунтазам бажарилляпти. Жамият бошқарувининг раиси Турсунали МУРОТОВ билан суҳбатимиз шу барқарорликка эришишнинг омиллари, комбинатнинг бир маромда ишлаши учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳиссадорларга дивидендлар қай тарзда берилаётгани, жорий йилдаги режалар тўғрисида бўлди.

— Хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий негизи эканлигини эндиликда ҳар биримиз биламиз, — деди Т. Муротов, — 1994 йилда биз ишчи-хизматчиларимиз билан келишиб, очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига ўтдик. Хўш, шундан кейин нима ўзгарди? Тўғрисини айтганда, кўп нарса ўз ўрнини топди. Мулкка нисбатан масъулият ҳисси ортди. Ишлаб чиқариш режаларининг бажарилиши кўпроқ моддий фойда олиб келишини тушуниб етдик. Низом жамғармаси 3.141.000 сўм қилиб белгиланди ва ҳиссадорларга сертификатлар тарқатилди.

Ишлаб чиқариш режалари бажарилиши учун зарур бўлган дастурлар туғилди. Маҳаллий хом ашё асосида ишлашга мослашдик. Бозор талабини ўрганиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга ҳамда турини кўпайтиришга ҳаракат қилиняпти. Натижалар ёмон бўлмади. 1995 йилги режалар муваффақиятли бажарилиб, ҳар бир акцияга (акцияларнинг номинал қиймати 100 сўм) 160 фоиздан дивиденд тўланди. Энг муҳими, иқтисодий барқарорликка қадам қўйдик.

Ҳиссадорлик жамияти ўз маҳсулотларини нафақат Бекободдаги иккита фирма дўконида, балки, шартнома асосида Гулистон ва Ширин шаҳарларида очилган ўз дўконлари орқали сотишни ҳам йўлга қўйди. Тошкент шаҳрида эса қатор дўконларимиз ишлаб турипти. Ушбу фирма дўконларининг очилиши биринчи навбатда маҳсулот миқдорини кўпайтиришга олиб келган бўлса, иккинчидан ҳиссадорларга дивидендларни нақд пул билан бериш имкониятини яратди.

Ўтган йилги иш якунларига тўхталадиган бўлсак қуйидаги рақамларни келтиришни хоҳлардим. Гўшт ишлаб чиқариш 548 тоннага етди ва пул ҳисобида 15 млн. 276 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, 28 млн. сўмликдан ортиқроқ колбаса маҳсулотлари халққа етказиб берилди. Комбинатда ярим тайёр маҳсулотлар, эритилган ёғ, қуруқ ем каби 7 хил маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил давомида жами 52 млн. 805 минг сўмлик тайёр халқ истеъмол моллари эл дастурхонига етказиб берилди. Биз ўтган йили Бухородан 50 тонна гўшт олдик. Аҳолидан эса 11 тонна маҳсулот хом ашё тарзида сотиб олинди.

Комбинатни доимий хом ашё билан таъминлаш мақсадида корхона ҳузурида «Гўшттайёрлов» масъулияти чекланган жамият ташкил этилди. У ўтган йилнинг декабрь ойидан ўз фаолиятини бошлади. Унинг дастлабки натижалари қувонарлидир. Ушбу кичик корхона аҳоли ва фермер хўжаликларидан нақд пулга молларни тирик вазнда сотиб олади ва бизга сўйилган ҳолда топширади. «Гўшттайёрлов» жамияти қисқа муддат ичида 10610 кг сўйилган гўшт тайёрлади ва 57 минг сўм соф фойда кўрди. Улар ўзларининг учта дўконларини Бекободда, Ширин ва Янгиер шаҳарларида очишди.

Корхонамизда ҳозир гўшт, тери, суяклан ун, колбаса ва гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехлари фаолият кўрсатяпти. Унда 121 нафар ишчи-хизматчи ҳиссадор сифатида меҳнат қилмоқда. Нўмон Отабеков, Ашроф Раҳмонбоев, Эркин Нортойлоқов, Муяссар Жўраевалар ҳақли равишда корхонанинг фахри ҳисобланадилар...

Ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бошқарувнинг диққат марказида турипти. Ошхона комбинат ихтиёрида бўлиб, ишчиларга овқатланиш учун кунига 20 сўмлик махсус талонлар берилади. Ишчи-хизматчилар оилаларида тўй-томошалар бўлса уларга корхонада ишлаб чиқарилаётган гўшт маҳсулотларидан арзон нархларда сотилади.

Жамият оталиқ ташкилот сифатида ҳам кўп хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан 15-мактабга, болалар ижодий уйига бақоли қудрат мунтазам ёрдам кўрсатяпти. Бу йил ҳам улар анъанага содиқ қолишди. Кам таъминланган оилаларга эса махсус тузилган комиссия қарори билан гўшт ва колбаса маҳсулотлари ажратилди ва ажратилмоқда.

1996 йилда ҳам комбинатнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун «Бизнес режа» ишлаб чиқилди. Хом ашёларнинг доимий равишда корхонага ўз вақтида етказиб берилиши билан боғлиқ шартномалар Тошкент, Жиззах, Сирдарё вилоятларининг тегишли ташкилотлари билан тузилди. Ишлаб чиқаришни замонавий технология асосига ўтказиш учун жорий йилнинг иккинчи ярмида айрим асбоб-ускуналарни янгилари билан алмаштириш режага киритилган. Энг асосийси, биз бу йилдан бошлаб колбасани «Юлдуз», «Наврўз», «Қуёш», «Навбаҳор» сингари 15 хилдаги янги турини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Корхона жамоасининг янада самарали ва унумли ишлашига ҳалақит бераётган айрим муаммолар ҳам бор. Ҳиссадорлик жамиятининг бугунги кунда 4 млн. сўмлик дебитор қарздорлари бор. Агар бу маблағ ўз вақтида корхона ҳисобига ўтказилганида, ишлаб чиқариш ҳажми янада ошарди. Аҳолидан нақд пулга тирик вазнда кўпроқ мол сотиб олиш мумкин бўларди. Бу эса ўз-ўзидан дивиденд ва иш ҳақини оширишга олиб келади. Дебиторлик қарз борлиги оқибатида комбинатнинг кредитор қарзи юзага келаяпти.

Бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бири шартнома шартларини бажаришдир. Афсуски, корхонадан тайёр маҳсулот олувчи айрим мижозлар унга тўла амал қилишмаяпти. Олинган маҳсулот учун ҳақни вақтида тўламаяптилар. Албатта, бундай аҳвол ишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир корхона шартномага тўла амал қилса, ишлаб чиқариш кенгаяверади.

Г. НУРАЛИЕВ,
А. БОБОНАЗАРОВ.

ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ — ўзаро хўжалик алоқаларини олиб борувчи корхона, ташкилотларнинг бир-биридан қарзи. Корхона дебиторлик қарзи муддатида қайтариладиган ва тўлаш муддати ўтиб кетган қарздан иборат. Ўз вақтида ундириб олинмаган дебиторлик қарзи уни берган корхонанинг зарарига қўшиб ёзилади. Дебиторлик қарзининг ўз вақтида тўланиши бозор иқтисодиётидаги молиявий интизомнинг муҳим талабидир.





ОЙИГА 130 МИНГ КВАДРАТ МЕТРДАН

Очиқ турдаги «Ғазалкент ойна» ҳиссадорлик жамияти вилоятимиздагина эмас, балки республикамизда қурилиш ойнаси ишлаб чиқарувчи ягона корхона ҳисобланади.

Корхона хўжаликни бошқаришнинг бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ҳиссадорлик жамияти шаклига ўтгач, ишлаб чиқаришда ижобий силжишлар секин бўлса ҳам юз бермоқда. Чунки, корхонанинг ҳақиқий эгалари бўлиб қолган ишчидан тортиб раҳбар ходимларгача ҳамма жон куйдириб ишламоқда, эндиликда улар қанчалик самарали ва унумли ишлашса, шунчалик кўп фойда олишларини чуқур ҳис этмоқдалар. Жамоа илгариги иқтисодий алоқалар барбод бўлиши оқибатида корхона ишлаб чиқаришда юз берган салбий ҳолатларнинг ҳаммасини тўла бартараф этишга эришмаган бўлса ҳам уларни бирин-кетин енгиб ўтмоқда. Бунда янгича ишлашнинг ҳам нафи катта бўляпти. Шу кунларда унинг қайси ишлаб чиқариш бўлинмасида бўлманг фидокорона меҳнат гувоҳи бўласиз. Ишчилар ҳар ойда мамлакатимиз эҳтиёжлари учун 130 минг квадрат метр ҳажмдаги ойналарни етказиб бермоқдалар.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг ойна цехи бошлиғи М. Ҳайбулин ва смена бошлиғи Р. Исроиловлар иш юзасидан ўзаро суҳбат қилишмоқда; назоратчи Т. Исроилова иш устида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ШИФОКОРИ МАЖИДИЙ» АКЦИЯЛАРИ

Республикамизда дорихоналарнинг ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилиши ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади.

УРТАЧИРЧИҚ тумани марказида жойлашган «Шифокори Мажидий» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзолари беморларга керакли дори-дармон турларини кўпайтириб, аҳолига хизмат кўрсатиш савиясини тобора яхшиламоқдалар.

Жамоада меҳнат қилаётган 17 нафар киши ҳиссадорлик жамияти акцияларининг ярмидан кўпроғига эгадир. Дорихона акцияларини сотиб олувчилар сони кундан-кунга ортмоқда.

Жамият 414 минг сўмлик дори-дармонни имтиёзли нархларда сотди. Келгусида ногирон беморларга янада кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш кўзда тутилган.

Усмонали ҲАМИДОВ.

БФБ МУАММОЛАР БИРГАЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

Кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш ва уни тараққий эттириш баробарида жойларда янги иш ўринлари барпо этиш, умуман тадбиркорликни жонлантириб, қишлоқ ва шаҳарларда бозор инфраструктурасини ривожлантириш натижасида мулкдорлар синфини вужудга келтириш масалаларига сўнгги пайтларда катта эътибор берилмоқда.

17—18 май кунлари Тошкентдаги Киночилар уйида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (бизнес-фонд) ташаббуси билан ташкил этилган «Республикада хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Бизнес-фонд, 1995 йил апрелидан шу йилнинг апрель ойига қадар мингдан зиёд ишбилармонларга 1 миллион 230 мингдан ортиқ кредитлар берди. Кўплаб кичик корхоналар ташкил этилиб, ўнлаб турдаги халқ истеъмоли ва ноозиқ-овқат маҳсулоти турлари ишлаб чиқарила бошланди. 11 мингдан ортиқ ишчи ўринларини ташкил этилди. Қишлоқ жойларда ҳам кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бизнес-фондининг вилоят бўлимлари бу борада анча самарали иш олиб бормоқдалар.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев бошқарди.

Бизнес-фонд раиси А. Юсупов, фондининг 1996 йил 1-чораги якунлари ва келгуси вазифалар ҳақида маъруза қилди. Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Раҳимжонов, «Мадад» суғурта агентлигининг бош директори Н. Юсупов, «Ўзтадбиркорбанк» бошқаруви раиси ўринбосари А. Валиевлар ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида ахборот бердилар.

Кенгашда вилоят, шаҳар, туман Бизнес-фонд бўлимлари бошлиқлари билан биргаликда тадбиркорлар олдида турган муаммолар ва долзарб вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда канадалик ишбилармон — «Раннани Холдинг Интернэшнл» компанияси раҳбари Берси Раанани ва Ўзбекистон — Туркия тадбиркорлари уюшмасининг бош директори Жамол Хамараттурк Ўзбекистонга хорижий сармояларни олиб кириш учун қулай шарт-шароитлар яратганлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Семинар-кенгаш мажлислари ўртасидаги танаффус пайтида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот ўтказилди.Журналистлар кредитлар ажратиш, фермер хўжаликларига ёрдамни янада кенгайтириш ва ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Миржалол МИРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ФЕРМЕР ДЕГАНИ – ФИДОЙИ ДЕГАНИ

АНЧА йиллар бўлди. Меҳнат фаолиятим ер билан боғланган. Полизчилик, боғдорчилик, сабзавотчилик билан шуғулландим. Кейин бригадани бошқардим. Қайси йўналишда деҳқончилик қилмай, ерга астойдил меҳр қўйган, уни ардоқлаган одам ютишига ишонч ҳосил қилдим.

Ислоҳотлар даври бошлангандан кейин туманимиздаги собиқ Киров номли ўқув хўжалигидан ажралиб чиққан бўлим асосида ташкил этилган Навоий номли жамоа хўжалигидаги фермерлик ҳаракатига қўшилдим. Ҳозир 6 фермер хўжалигидан иборат уюшма раисиман.

Хўш, фермер бўлганимдан кейин менда нима ўзгарди, шуни айтиб берай. Ер эгасига айланганимдан сўнг олдинги йилларда бу жойлардан олинган ҳосилни топширишга қурбим етармикин, йўқми, ернинг умри бекор ўтиб кетмасмикин, экин-тикинни парвариш қиладиган одамларнинг тақдири қандай бўларкин, деган фикрлар миямда чарх ураверарди. Хуллас, мен аввалгидан бошқачароқ ишлайдиган, бошқачароқ қайғурадиган бўлиб қолдим.

Бир гапни очиқ айтай. Ҳали-ҳалигача кўп жойларда ер ажратиб берган хўжалик бошқаруви билан фермер ўртасида киши билмас тўсиқ борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Дастлаб бизнинг фермер хўжалигимиз уюшмаси ҳам бундай мушкулликка дуч келди. Энг зарур пайтларда техникадан қийналардик. Аммо чидадик. Ҳали у, ҳали бу механизаторга ялиниб «кун кўриш»га тўғри келди. Лекин меҳнатимизни аямадик. 43,80 гектар майдондаги сабзи, бодринг, ерёнғоқ, шоли, ғалла, картошка яхши бўлди. Икки йилда қаддимизни ростлаб олдик. Ҳисобимизга ҳалол пешона теримиз билан топилган пул тушди. Ҳосилни давлатга сотдик, маълум қисмини Россия шаҳарлари билан алоқа боғлаб, КамАЗ машинаси, ҳайдов тракторларига эҳтиёт қисмлар сотиб олдик.

Фермер хўжалигимиз мустаҳкам оёққа турди. Қисқа вақт ичида тўрт гектар майдонда боғ ҳам барпо этилди. Бу йил у тўла ҳосилга кирди. Банкдаги маблағимиз кўпайгач хайрли тадбирларни ҳам бошлаб юбордик. Ҳар Наврўз байрамида кам таъминланганларни йўқлаш, ночор оилалар фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бериш, улар учун омонат кассаларда ҳисоб очиш, кексаларга бир пиёла чой қуйиш сингари тадбирларни одат тусига киритдик. Бу йил Наврўз айёмида ҳам худди шундай бўлди.

1996 йилдан бошлаб хўжалигимизга ерни астойдил севган, деҳқончиликни биладиган мутахассис Абдураззоқ Оғабеков раҳбар бўлиб келди. Фермерларни тушунадиган йигит экан. Зарур пайтларда бизни техника, транспорт билан қўллаб-қувватлаб бормоқда. Қарс икки қўлдан деганларидек, биз ҳам бунга жавобан ўз кучимиз билан жамоа хўжалигининг уч километр атрофидаги далаларига сув берадиган ариғини чиқиндилардан тозаладик. Хўжаликдаги янги ташкил этилган хиёбонни электрлаштиришга кўмаклашяпмиз. Шу йили бизнинг бахтимизга туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раислигига ҳам ишнинг кўзини биладиган, ёрдам бериш қўлидан келадиган, бир жойга борса гапи ўтадиган Эркин Шерматов тайинланди. Ишимиз янада юришиб кетди.

Бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Фермернинг ердан баракали ҳосил етиштириши унинг биринчи галдаги вазифаси бўлса, шу маҳсулотни нес-нобуд қилмай, уволига қолмай, аҳолига етказиши, пулга айлантириши ундан ҳам муҳимроқ вазифадир. Шу боис биз Россия шаҳарлари билан яхши алоқадамиз. Хўжалигимиз, яшаб турган қишлоғимиз аҳлининг эҳтиёжи қондирилгач, маҳсулотни Россия шаҳарларида сотамиз, алмашлаймиз. Шу йўл билан ўзимизга керакли маҳсулотлар олиб келинмоқда.

Маълумки, Президентимиз қатор нутқларида бокимандалик кайфиятидан халос бўлиш ҳақида гапирдилар. Жуда тўғри гап. Деҳқонга ер берилди, эрк берилди, энди юқоридан буйруқ кутиб ўтирмай, ўзимиз ҳаракатга ўтишимиз керак. «Ҳали у йўқ, ҳали бу йўқ»ни давр кўтармайди. Ҳар ким ўзи топиши лозим.

Ҳеч қачон кўпчиликнинг ютуғи бир ёки икки кишининг ҳаракати билан амалга ошмайди. Муваффақиятни айни кўпчилик яратади. Шу жиҳатдан олганда Хусан Абдумаликов, Маткомил Абдуқаюмов, Махмуд Воҳидов, Эркин Султонов, Сайдулла Файзиев, Маҳаматшариф Жуманов каби фидойи кишиларимиз меҳнатини алоҳида эътироф этмоқчиман. Булар вақти келса, кунни тунга улаб ишлайдиган кишилардир. Улар туфайли деҳқон-фермер уюшмамиздаги кетмон чопиш, техникани бошқариш, суғориш ишлари ҳамиша сифатли бажариб келинмоқда. Натижада баракали даромад олинаётир. Хўжалик аъзоларининг ўртача ойликлари йил сайин ошиб бормоқда. Хусусан, 1995 йилда ҳар бир фермернинг ўртача ойлиги 2,5 минг сўмданга айланди. Бундан ташқари, уларнинг оилаларини далада нимаики етиштирилса шу маҳсулотлар билан арзон нархда таъминладик. Хулоса қилиб, шуни айтмоқчиманки, юртбошимиз мулкдорларнинг кўпайиб боришига йўл очиб қўйдилар. Бунинг учун раҳмат. Ана шу эркинлик эвазига биз эл манфаатини кўзлаб, ердан меҳримизни аямайлик. Бутун ҳаракатимиз қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга қаратилиши лозим.

Аҳмад АБДУҚАЮМОВ,
Ўртачирчиқ туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқон-фермерлар уюшмаси раиси.

КРЕДИТ — пул маблағлари, товар ва хизматларни келишилган устама (процент) тўлаб қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарзга бериш. Тижорат кредити ва банк кредитига бўлинади. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор (давлат, банк, корхона, хусусий шахс ва б.) судда олувчи томон эса дебитор (қарздор) дейилади. Кредит келишуви қарздан фойдаланиш шартлари қайд этилган шартнома билан расмийлаштирилади. Кредитлар икки хил: қисқа муддатли (1 йилгача, айрим холларда 2 йилгача) ва узоқ муддатли бўлади. Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма фондларини шакллантиришга хизмат қилади. Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади.

БИЗНЕС РЕЖА ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Республикамиз иқтисодиётининг барча жабҳасида бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Хўжалик юритишнинг турли шакллари дадил жорий этилаётир.

Деҳқонларнинг ерга ва бошқа воситаларга эгалик ҳиссининг кучайиб бораётгани республикамиз аҳолисининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконини бермоқда. Бироқ соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам етарли. Хусусан, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотнинг ички механизмлари тўлиқ ишлаяпти, деб бўлмайди. Деҳқон кўп холларда маҳсулот ишлаб чиқариш учун ортиқча харажатга йўл қўймоқда. Республикамизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайини билан самарадорлик даражаси пастлигича қолаётир. Бунинг сабаблари нимада? Биз Республика Қишлоқ Хўжалик вазирининг ўринбосари И.Колибеков билан ана шу масалалар хусусида суҳбатлашдик:

— Президентимиз Ислом Каримов қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ислоҳотларнинг тақдири кадрларнинг малакасига, уларнинг бозор муносабатлари асосларини қай даражада ўзлаштира олишига боғлиқ эканлигини таъкидлаган эди, — дейди И.Колибеков. — Шу боисдан ҳам айрим ҳолларда иқтисодий ислоҳотларнинг оқсаш сабабларини ана шундан қидириш, тармоқ ходимларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, хўжалик бошқарувида замонавий усулларни дадил жорий этиш зарур.

Афсуски, кўпгина холларда қишлоқда ишлаб чиқариш молия режасисиз амалга оширилмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ: «Режа» сўзига биз собиқ тузумдагидек, юқоридан бериладиган топшириқ, мажбурият, қандай йўл билан бўлсада, бажариш шарт бўлган «Ҳукм» сифатида салбий кўз билан қарашга одатлангандик. Албатта, бозор муносабатларига эндигина қадам қўйилаётган пайтларда «Социалистик режа» тушунчасини одамлар онгидан чиқариб ташлаш зарур эди. Аммо, чукурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, «Режа» сўзи бозор муносабатлари шаклланиб бораётган ҳозирги шароитда ёт тушунча эмас, балки эришилган натижаларни таққослашда ҳам энг қулай восита ҳисобланади. Ишлаб чиқариш молия режасига биз эндиликда юқори ташкилотларнинг ва текширувчи идораларнинг назорати учун эмас, балки хўжаликни тўғри бошқариш, жамоанинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш учун мезон сифатида қарашга ўрганишимиз зарур.

— Сиз бозор муносабатлари шароитида кенг қўлланиладиган бизнес-режа асосида иш юритишни назарда тутаяпсиз. Зеро, ҳозирги шароитда Бизнес-режасиз ишлаб чиқаришни юксалтириш мумкин эмас. Қишлоқ хўжалик корхоналарида бизнес-режанинг роли, унинг мазмуни, тузилиши ва амалга ошириш йўллари ҳақида гапириб берсангиз.

— Давр ҳар бир корхона, унинг бўлимлари фаолиятини бизнес-режа асосида ташкил этишни талаб қилмоқда. Хўш, бизнес-режа деганда нимани тушуниш керак? Бизнес-режа ишлаб чиқариш муносабатларига асосланган иш фаолиятини ташкил этиш бўйича аниқ тоялар, тадбиркорликни асословчи, корхонанинг истиқболини белгиловчи барча ҳисоб-китоблар мажмуидан иборатдир. Бир вақтлар чорвачилик бўйича «Оборот стада», деҳқончилик бўйича «Агротехника» талаб қилинар эди. Молларнинг ёши бўйича ҳисоби ва ҳар бир экин бўйича қилинадиган иш тури аниқланганидан сўнг уларнинг тегишли минтақаларига қараб нормативлар асосида сарф-харажатлар режалаштириларди. Айланма маблағлар миқдори йил давомида тез-тез ўзгариб турган бугунги шароитда сарф-харажатлар қандай қилиб режалаштирилиши мумкин, деган савол туғилиши табиий.

Мен бу ерда айланма маблағлар сарфини натура ҳолатда назарда тутяпман. Мисол учун, 1-минтақа бўйича гектарига 27 центнердан ҳосил олиш лозим, дейлик. Бунинг учун 886 киши-соат иш ҳақи, 60 килограмм уруғ, 331 килограмм ёнилғи, 210 килограмм азотли ўғит ва бошқа нормативлар мавжуд эди. Чорвачилик бўйича ҳам етиштириладиган маҳсулотга қараб барча сарф-харажатлар худди шундай режалаштириб қўйиларди. Бу билан, энг муҳими, йил давомида ёнилган ишлар, сарф-харажатлар ҳамда эришилаётган натижалар мазкур режага кўра таққосланиб таҳлил этилар, шу асосда йўл қўйилган хатолар тўғрилаб бориларди. Бундан ташқари «ишлаб чиқариш, молия режаси» хўжаликни бошқаришда ҳам катта қулайликларга эга эди. Раҳбар қўлидаги таҳлил асосида бажарилиши керак бўлган ишларни осонгина назорат қилиб борарди. Ишнинг бундай ташкил этилиши ҳисоб-китобнинг ҳам мукаммал бўлишида муҳим ўрин тутади.

Республика қишлоқ хўжалик вазирлиги тизимидаги 150 дан ортиқ хўжалик йилни зарар билан якунлади. Бунинг сабаби — мазкур хўжаликларда ишлаб чиқариш, молия режаси номигагина ёки умуман тузилмаганида, йил мобайнидаги сарф-харажатлар назорат қилиб борилмаганида дейиш мумкин. Жумладан, Тўрткўл туманидаги «Бокитли» жамоа хўжалигида бир гектар майдондаги ғўзани парваришлаш учун 1061, Иштихон туманидаги Ш.Одилов номли жамоа хўжалигида 1500, Навбаҳор туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигида 1638 киши-соат иш-ҳақи сарфланган. Ахир, етиштирилаётган маҳсулот учун уч марта кўп ишчи кучи сарфлаш фойда ўрнига зарар келтириши аниқ-ку...

«Тошкент ҳақиқати» маслаҳатхонасида

— Юқорида айтганимдек, бизнес-режа ишлаб чиқариш борасидаги концепция, стратегия, маркетинг ҳамда режалаштириш бўйича тушунча ва тасаввур берадиган ҳужжатдир. Шу боисдан Бизнес-режага эга бўлмаган хўжаликнинг банклар, тайёрлов ва бошқа ташкилотлар билан алоқа ўрнатиши қийин кечиши турган гап. У ёки бу хўжалик мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, сармоя олиши учун ўзининг бизнес режасига эга бўлиши лозим. Бизнес-режанинг асосий мақсади эса сармоядорнинг ишончини қозонишдан иборат. Шунинг учун ҳам уни тузишда ҳисоб-китоб аниқ бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бизнес-режанинг аниқ бир шакли йўқ. Қишлоқ хўжалигининг қайси тармоғи ва қайси фаолият тури билан шуғулланишга қараб бизнес-режанинг таркиби ва тузилиши турлича бўлади.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли иш ёки хизмат билан шуғулланувчилар бизнес-режа тузишда қуйидагиларга эътибор бериши лозим бўлади: ишлаб чиқариш ёки хизмат тури, маҳсулот ёки хизмат тавсияномаси, маҳсулот сотиладиган бозор конъюнктураси, сармоя, яқин келажакка мўлжалланган молиявий натижалар.

Мухтасар қилиб айтганда, ишлаб чиқаришдан олинадиган даромадни кўпайтиришга йўналтирилган бизнес-режа қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

П.НИШОНОВ,
Н.ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбирлари.

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ... БОР

Тадбиркорлар

ҲАММА жойлардагидек, Пискентдаги икки қаватли «Болалар дунёси» дўкони ҳам савдо-сотиқсиз, пештахталари бум-бўш ёки ўтмас матоҳлар билан тўлдириб ташланган ҳолда файзсиз бўлиб мунғайиб турарди. Ҳамкишлоқлар бу дўкондан бирон-бир арзирли нарсани топиш анқонинг уруғи эканлигини яхши билишар ва қўл силтаб, узоқ бўлса ҳам моли чаққон, сотувчиси хушмуомала дўконларни излаб кетишарди.

— Дарҳақиқат, савдо соҳасида ўттиз йилдан бери ишлаётган бўлсам, ҳали бирор марта қишлоқ дўконларини харидоргир моллар билан тўлиб-тошиб кетганини учратмаганман, — дейди Адолат Аҳмедова, — ўзим шу дўконда ишлаганман, олий категорияли товаршунос, сўнг директор бўлдим. Дўконнинг номи «Болалар дунёси» бўлгани билан исми жисмига монанд келмас эди. Ўтган йил кўклам кезлари дўконни хусусийлаштириб олдим. Универмагимиздаги матлубот жамиятига қарашли барча маҳсулотлар, саноат молларини ўзларига топширдим, катта-катта тойларда келган ўтмас молларни фабрикаларга қайтариб юбордим. Тўғрисини айтиш керак, бир сўм ҳам дастмоямиз йўқ эди, яхши одамлар бор бўлсин. Бир ташкилот менга 20 минг сўмлик чекини бериб турди. Мен уларга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келдим. Натижа ёмон бўлмади. 1995 йилнинг декабрь ойи охиригача 5 миллион сўмлик савдо қилдик. Сўнг «Тадбиркорбанк»дан 400 минг сўмлик қарз олдик. Нимаики яхши нарса учратсак дўконимизга олиб келишга ҳаракат қилдик.

Эндиликда савдо залига бир кўз югуртирган киши, айниқса, бу ерни бешқўлдек биладиган ҳамкишлоқлар, «Адолат» хусусий дўконида жуда катта ўзгаришлар юз берганини эътироф этишмоқда.

— Мен шу ерлик Толиб Шокиров бўламан, — деди харидорлардан бири. — Нафақахўрман. Адолатхоннинг отасига раҳмат, анча оғиримизни енгил қилди. Ёғ, гуруч, ун каби кундалик зарур молларни ўз вақтида олиб келиб турибди. Биргина мен эмас, бутун Пискент аҳолиси Адолатхон Аҳмедованинг хусусий дўкони хизматидан, ходимлари Дилором Дадажонова, Зулфия Халилова, Маҳбуба Қаюмовалардан беҳад миннатдор. Мени қувонтирадиган яна бир томони — Адолатхон ҳамиша биз билан суҳбатлашиб, халқ кўпроқ қандай молларга эҳтиёж сезаётганини атрофлича ўрганади ва албатта, ўшани топтириб келади. Пискентда қатор дўконлар бор, лекин, биронтаси на харидор талабини ўрганиш ва на ширинсуханликда, тадбиркорликда Адолатхонга ўхшамайди.

Биз ҳам пештахталарга қўйилган, харидорларини пешма-пеш топиб кетаётган маҳсулотларни кўриб қувондик. Чет эл маҳсулотларининг энг саралари, болалар, аёллар ва эркаклар туфлисидан тортиб плашч-пальтоларгача ҳаммаси савдода мавжуд. Болалар учун мўлжалланган ўйинчокларнинг ўзи 40-50 хилдан ортади. Барчаси Тошкентдаги республика базасидан олинади. Уларга фондлар ажратиб беришда туман ҳокими, вилоят матлубот уюшмаси катта ёрдам бермоқда. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган 8 та озиқ-овқат маҳсулотларини ҳамиша савдода бўлишига эришишда масъул раҳбарлар ўз ёрдамларини аяшмаяпти. «Адолат» хусусий дўконининг биринчи қавати — «Болалар дунёси» моллари билан безатилган. Ўйинчоқлар, ўқув қуроллари кабилар Тошкентдаги маданий моллар базасидан ва ўйинчоқлар фабрикасидан шартномалар асосида олиб келинади.

Дўконда 16 нафар сотувчи ишлайди. Уларнинг ойлик маошлари 1000-1500 сўмни ташкил қилмоқда. Даромадга қараб ойлик ҳам ошиб бораверади.

Инсоннинг бошида яхши-ёмон кунлар ҳам бўлиб туради. Бунақа пайтларда Адолатхон ўз ходимларидан моддий ёрдамини аямайди. Савдога қўйилган моллар фақат 10 фоиз устама ҳақ билан сотиляпти, «асалнинг ози ширин» деб бежиз айтишмайди-ку.

А. Аҳмедова бошчилик қилаётган «Адолат» хусусий дўкони жамоаси кези келганда баъзи озиқ-овқат турларини аҳолига қарзга бериб туришини ҳам айтиб ўтиш лозим, шунингдек, опа тумандаги кўзи ожизлар жамиятига ғамхўрлик қилишни ҳам ўз зиммасига олган. Яна 8 та мухтож оила ушбу ташкилотнинг хайрли ишларидан баҳраманд бўлмоқда.

Адолат Аҳмедованинг аҳолига савдо хизматини янада мақбулроқ даражага кўтариш, бинони қайтадан таъмирлаб, яқин кунларда замонавий супермаркетга айлантириш нияти ҳам йўқ эмас.

Келгуси режалар ҳақида сўз кетганда шу кунларда Адолатхон «Дока хлеб»ни Пискентда ҳам ташкил қилиш, тикув цехи очиш ва бир қатор маиший хизмат кўрсатиш турларини йўлга қўйиш ниятларини кўнглига тугиб қўйган.

Бир йилда катта ютуқларни қўлга киритган Адолатхон Аҳмедова яна бир ғайрат қилса, ўй-режаларини йўлга қўйиб юбораолади, бунга сира шубҳа йўқ. Омад ёр бўлсин, халқнинг дуосини олиб юраверинглар, «Адолат»даги азиз опасингиллар!

Жалол АЛИЕВ,
Даврон АҲМЕДОВ.



Суратда: А.АҲМЕДОВА харидор билан суҳбатлашмоқда.

Вилоят ҳокимлигида

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

МАКТАБЛАРДА сўнгги қўнғироқ чалиниб, ўқувчиларнинг ёзги таътиллари бошланишига саноқли кунлар қолди. Ҳадемай ёзги дам олиш ва соғломлаштириш мавсуми бошланади. Унга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш талаб этилади.

Ўн минглаб ўқувчиларнинг таътил вақтларида яхши хордиқ чиқаришларини таъминлаш ҳозирги шароитда кўп куч-ғайрат ва маблағ талаб қилади. Ҳар бир оромгоҳ ҳақиқатан самарали дам олиш ва саломатликни мустаҳкамлаш, ҳар бир ўқувчи унинг бағрида на фақат парвариш билан, айни вақтда, турли фойдали, маданий тадбирлар билан қамраб олиниши, истаган спорт турлари билан шуғулланиши, қисқаси, ҳар томонлама ва тўлақонли хордиқ чиқарадиган маскан бўлмоғи зарур.

Бу муҳим мавсумга тайёргарлик қандай бормоқда? Қандай ишлар амалга оширилди? Ҳал қилинишини кутаётган муаммолар нималардан иборат? Куни-кеча бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилишида шу масала атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда вилоятнинг қатор бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, вилоят тармоқ касаба уюшмалари қўмиталари раислари, ўз оромгоҳларига эга бўлган корхоналар раҳбарлари, касаба уюшмаси қўмиталари раислари, кўрилаётган масалага тааллуқли бўлган бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Д. Н. Жаҳонгирова олиб борди.

Йиғилишда қатор вилоят ташкилотлари раҳбарларининг мактаб ўқувчиларининг дам олиш ва соғломлаштириш мавсумига тайёргарликлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси М. Тўлаганова, деҳқончилик-саноати мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси К. Шодиметов, «Вилоят-савдо» ҳиссадорлик компанияси раиси Ғ. Турсунов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Ўринбосарова, «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Ш. Пўлатов ва бошқалар ҳисобот бердилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳозирги иқтисодий қийин шароитларга қарамай мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиши, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашдек долзарб мавсумга тайёргарлик ишлари бундан анча илгари бошланиб кетган эди. Ўқувчиларни ўз бағрига оладиган янги оромгоҳлар очилмоқда, илгари маблағ етишмаслиги оқибатида, турли табиий офатлар туфайли ёпилиб қолган шундай масканларни қайтадан ишга тушириш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда уларда кенг кўламда таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Қўшимча учта оромгоҳ ишга туширилади.

Долзарб мавзу

Бу йилги мавсумда йигирма бир минг нафар бола соғломлаштиришга жалб қилинади. Бу ўтган йилдагига қараганда бир ярим баравардан ошикроқдир. 14 та санаторий туридаги ва 12 та оддий дам олиш оромгоҳлари уч сменада ишлайди. Йўлланмалар анча қиммат, бу кўпчилик оилалар учун оғирлик қилиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, унинг арзонлаштирилганлари ҳам бўлади. Ночор, кўп болали оилалар фарзандларига кўпроқ имтиёзли йўлланмалар тарқатилади, ногирон болаларга эса бепул йўлланмалар бериш назарда тутилган.

Ёзги таътил мавсумида ўқувчиларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш ишининг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланиш ҳисобга олинган. Вилоятдаги кўпчилик мактаблар ҳузурида дам олиш оромгоҳлари ташкил этилмоқда. Уларда тўққиз минг бола хордиқ чиқаради, бу ўтган йилдагидан икки баравардан кўпроқдир. Бундан ташқари, деярли барча мактабларда спорт ва дам олиш майдонлари бўлади, уларга мавсум давомида ками билан бир юз ўттиз минг бола жалб қилинади.

Йиғилишда барча оромгоҳларда ҳам мавсумга тайёргарлик кўнгилдагидек бормаётганлиги қайд қилинди. Айниқса, таъмирлаш ишлари суръати талабга жавоб бермайди. У ёки бу қурилиш материали йўқлиги, камлигини рўкач қилиб ишни пайсалга солиш ҳоллари учрамоқда. Айни вақтда оромгоҳларни зарур асбоб-ускуналар билан тўла таъминлашга эътиборни кучайтириш, бунинг учун уларни мутасадди ташкилотлар ва яқинда жойлашган жамоа ва фермер хўжаликларига биркитиб қўйиш ишларини тезроқ ҳал қилиш ва охирига етказиш лозим. Оромгоҳларни санитария ҳолатини талаб даражасига етказиш учун барча чораларни кўриш, ишлатиладиган сув сифатини текширишни эсдан чиқармаслик даркор.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўқувчиларнинг ёзги дам олиш ва соғломлаштириш мавсуми ташкилий жиҳатдан ҳар томонлама юқори савияда, мазмунан бой ўтишига, ҳар бир бола мириқиб дам олганидан кейин ота-онаси бағрига омон-эсон қайтишига эришиш долзарб вазифадир. Бу оромгоҳлар раҳбарлари, тарбиячифлари, шифокорлари, ошпазлари, спорт йўриқчилари ва бошқа болалар тарбиясига алоқадор бўлган ҳар бир касб эгасидан ўз вазифасига юксак масъулият билан ёндошишини талаб этади.

Йиғилишда оромгоҳларни мавсумга пухта тайёрлаш ва навбатдаги ишларни жадаллаштиришга қаратилган тадбирлар белгилаб олинди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

Шу кунинг гапи

ДЕҲҚОН ТУШИДА ҲАМ ДАЛА КЕЗАДИ...

ОҚҚЎРҒОНДА яхши бир одат бор: ҳар куни эрта билан туман деҳқончилик-саноати уюшмасига хўжаликлардан телефон қилиб, кечаги куни бажарилган ишлар ҳақида батафсил ҳисоб берадилар.

Тумандаги салкам 15 минг гектар майдонларда ғўза ниҳоллари парвариши қандай боряпти? Деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Қамбарали Олимов саволларимизга лўнда қилиб жавоб берди:

— Туман бўйича 200 та культиватор ишлаяпти. Қатор ораларига биринчи ишлов бериш 1,3 баравар, озиқлантириш эса 1,1 баравар ошириб бажарилди. Культивация ўғитлаш билан бирга қўшиб олиб бориляпти. Ҳамма пайкалларда гектарига 1,5 тоннадан чиритилган гўнг ва 100-150 килограммдан аммофос аралашмаси солинмоқда. Яганалашда 4300 киши қатнашяпти. Олди хўжаликлар — Султон Сегизбоев номли, «Оққўрғон», «Гулистон», «Маданият», «Хонқа» хўжаликларида бу иш 50-55 фоиз бажариб қўйилди. Суғориш ҳам жадал бормоқда. Ҳозир минг гектар майдонга сув қўйилган.

Агросаноат уюшмасининг барча мутахассислари тумандаги хўжаликларга биркитилган. Улар кун бўйи иш устида бўладилар. Ҳар бир иш жараёнининг аъло сифатли бўлишига жавоб берадилар, вужудга келадиган муаммоларни ўз жойида тезлик билан ҳал этишга ёрдам берадилар. Ҳозир дуч келинаётган муаммолар ёнилғи, эҳтиёт қисмлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли туман ҳокими ва унинг биринчи муовини иштирокида кечқурун бўладиган йиғилишда биринчи бўлиб ҳал қилинади. Техника таъмири ва ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган барча ишлар вақтида ва сифатли адо этилишига эришилмоқда.

...Деҳқончилик саноати уюшмаси раисининг муовини Убайдулла Исроилов «Хонқа» хўжалигига отланиб турган экан, бирга боришни таклиф қилди.

— Ҳар бир ишни вақтида бажарганда гап кўп, — деди у ма ташлади. Сўнг бир кафт ўғит талқонини олиб, эзғилаб кўрди.

— Олтмиш фоиз гўнг ва қирқ фоиз аммофос нисбатида аралашма тайёрлаяпмиз. Ҳар гектар ерга бир ярим тоннадан солиняпти, — тушунтирди Болтабек Ундаев.

— Ягана тугадими?

— Ҳа, кеча тамомладик. Ниҳоллар жами пайкалларда қалин бўлиб чиққан экан. Хатто, бир қарич ҳам хато жоййўл-йўлакай. — Хўжалик чигит экишни туманда биринчилардан бўлиб тугаллаган эди. Бошқа ишларни ҳам вақтида қилиб улгуришяпти, азаматлар. Ҳамма пайкалларда биринчи культивацияни тугаллаб, эгат олиб қўйишди. Ўқариқларни ҳам ёриб бўлишди. Эрта-индин ягана тугаши билан суғоришга киришишади.

Каттагина пайкалда культиватор ишлаяпти. Юз-кўзлари қуёшда обдон қорайган йигит трактор ортидан бироз эргашиб бориб, механизаторнинг ишини кўздан кечирарди. У Убайдулла Исроилов билан кўришаркан, завқланиб деди:

— Акбарали ўзига етгунча пишиқ-пухта механизатор-да. Қаранг, культиваторининг пичоқлари бир-бирига шундай яқин ўрнатилган бўлса ҳам бирорта ниҳолга зарар етказмаяпти...

— Иккинчи ишловни ҳам бошлабсизлар-да. — Убайдулла Исроилов бригада бошлиғи Болтабек Ундаевни дала бошида минерал ўғит билан чириган гўнгни аралаштираётган уч-тўрт нафар йигитлар қошига бошларкан, луқма ташлади.

— Акбар Ортиқовнинг ўзи шу ерни ҳайдаб, чигитини ҳам ўзи экқан эди. Энди культивация ва эгат олишни



— Сув ҳозир тўртинчи бригаданинг ариғидан оқяпти. Бугун тунда навбат бизга тегади. Кеч кириши билан суғоришни бошлаб юбормоқчимиз...

Тўртинчи бригаданинг ерлари катта йўлнинг нариги томонига жойлашган. Аслида Болтабек Ундаев шу бригада бошлиғи Қўчқор Йўлдошев билан қўл олишиб мусобақалашган. Иккови ҳам пахтачиликнинг «пири». Ғўзага бир кўз ташлаганда қандай аҳволдалигини аниқ айтиб берадиган тажрибали деҳқонлар. Шунинг учун бири биридан қолишмасликка ҳаракат қилишади. Қўчқор Йўлдошевнинг бригадаси ҳам яганани тамомлаб, иккинчи ишловни бошлаб юборибди. Бу ерда ҳам трактор билан бажариладиган барча юмушларни механизатор Жўра Йўлдошевнинг бир ўзи бажаряпти. Хўжаликнинг бош ҳосилоти Тўлисбек Холменов унинг ишини синчиклаб ўрганиб, яхши баҳо бериб кетибди.

Бир неча кундирки, жамоа хўжалиги идораси эшигига қулф осилган. Бошқарувнинг тунов кунги мажлисида идора ходимларининг барчасини беистисно далага — ниҳоллар яганасини кузатишга чиқариш тўғрисида бир тўхтамга келинган экан. Ҳар кимга хоҳишига қараб ер ажратилибди. Ҳисобчи-ю иқтисодчи, хазинабону омборчи, қайси вазифада ишлашидан қатъий назар барча мутахассислар кундузи ўзларига ажратилган пайкалларда ягана қилишса, кечқурун идорага келиб хизмат вазифасини бажараркан. Сирасини айтганда, ғўза парвариши шошириб қўяётган ҳозирги дамларда бу ҳам деҳқонларга катта мадад бўлаётир.

— Деҳқон, хатто, тушида ҳам дала кезадиган пайт ҳозир, — деди хўжалик раиси Нуриддин Мадаминов дала бошида учрашиб қолганимизда. — Ҳар бир кишининг ўз ўрни бор. Шундай бўлгач, ҳодимлар ва хизматчилар ҳам кун бўйи пахтазорда бўлиб, амалда деҳқонга кўмак берганига нима етсин. Режамизми? Режамиз катта. Минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта етиштириш учун парваришга зўр беряпмиз.

...Биз шу куни бундай уюшқоқликни Оққўрғоннинг бошқа хўжаликларида ҳам кўрдик. Деҳқон борки, ёппасига далага кўчиб чиқиб, бутун куч ва имкониятларини сафарбар этиб, мўл ҳосил етиштириш мақсадида меҳнат қилмоқда.

Рафиқ ТУРСУНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲАММАСИ МУДДАТГА БОҒЛИҚ

ҲАР ЙИЛИ шу маҳалда анчагина майдонларга сабзавот экинлари экилиб, бу соҳадаги режа ниҳоясига етказилган бўларди. Афсуски, бу йил баҳорнинг чўзилиб кетганлиги туфайли бу иш бирмунча кечикди. Лекин, бободеҳқонларимиз бор тажриба, маҳоратларини ишга солиб, имкониятлардан фойдаланиб, мўлжалдаги 13 минг гектар майдонга сабзавот экишни тезроқ тугаллаш учун ҳаракат қилдилар.

Вилоят бўйича ҳозирги кунга қадар катта майдонга сабзавот экиб бўлинди. Ҳар куни 250-300 гектарга яқин майдонга сабзавот экилаётир.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, Бўка, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ сингари пахтачиликка ихтисослашган туманлар сабзавот экишни анча жадаллаштириб, бу соҳадаги режаларини ошириб бажардилар. Айниқса, бўкаликлар яхши натижаларга эришдилар. Улар шу кунга қадар мўлжалдаги 350 гектар ўрнига 561 гектар ерга сабзавот экдилар. Ўртачирчиқ, Бекобод туманларида ҳам бу иш анча дуруст йўлга қўйилди.

Хўш, сабзавотчиликка ихтисослашган туманларда аҳвол қандай?

Маълумотлар Тошкент тумани миришкор деҳқонлари ҳар йилдагидек бу йил ҳам мўл-кўл сабзавот етиштириш, бу ноз-неъматларни аҳолига мумкин қадар эрта етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилаётганликларини кўрсатиб турибди. Иссиқхоналарда етарли кўчат ва уруғлик тайёрлаб қўйилганлиги учун ҳам бу талбир тезкорлик билан ўтказилмоқда. Бу туманда режадаги 1700 гектар ерга сабзавот экиш эртаиндин тугалланади. Зангиота, Қибрай, Бўстонлиқ туманларининг сабзаватқорлари ҳам ишни кун сайин жадаллаштириб, сабзавот экишдаги кечикиш муддатини мумкин қадар қисқартириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Лекин, ҳамма туманларда ҳам аҳвол яхши, деб бўлмайди. Янгийўл, Паркент туманларида сабзавот экиш анча кечикмоқда. Оҳангаронликлар ҳам сурътни жадаллаштиришлари талаб этилади.

Умуман, вилоят бўйича барча иншоатлар, ишлаб чиқариш кониятлар, техника воситаларини ишга солган ҳолда сабзавот экишни узоғи билан 25 майга қадар тугаллаш ғоят муҳим вазифадир. Ҳозир бу вазифани бажариш, белгиланган чора-тадбирларнинг тўла-тўкис амалга оширилиши учун ҳар бир кун, ҳар бир соатдан унумли фойдаланиш талаб этилади. Айниқса, помидор, бодринг, сабзи экиш ишларини жадаллаштириш зарур.

Мана, кунлар ҳам исиб кетди. Уруғлик ҳам, иссиқхоналардаги кўчатлар етарли. Ҳамма гап имкониятларни тўла ишга солиб, сабзавот экиш режасини тезроқ бажаришимизда қолди. Вилоятимиз деҳқонлари, албатта, бу ишнинг удласидан чиқадилар, деб ишонамиз.

Республикамиз вилоятлари бўйлаб

ЎзА мухбирлари хабарларидан



Наманган вилоятида чет эллик шериклар билан барпо этилган ўнлаб қўшма корхоналар бор. Шулардан бири Наманган шаҳри яқинидаги Бедапоя қишлоғида ишлаб турибди. Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган бу корхонада Германиядан келтирилган юзлаб тўқимачилик асбоб-ускуналари ўрнатилган. 350 кишилик корхона жамоаси жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош бўлган пахта ипини ишлаб чиқармоқда. Суратда илғор йигирувчи Жамила Низомова.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

ЯНГИ ИЛМИЙ МАРКАЗ

Бухорода Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлимининг илмий маркази очилди. Бу янги илм маскани вилоят илмий салоҳиятидан самарали фойдаланилган ҳолда фанимизнинг фундаментал ва амалий йўналишларини янада ривожлантириш, унинг ютуқларини бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга хизмат қилдириш вазифалари билан шуғулланади.

Янги илмий марказнинг очилиши маросимида вилоят ҳокими М. Раҳмонов, Республика Фанлар Академияси президенти академик Т. Жўраев қатнашди.

ХЕВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА

«ЭРТАКЛАР ШАҲРИ» ДАРВОЗАСИ

Хоразм махсус илмий-ишлаб чиқариш ва таъмирлаш устахонасининг тажрибали усталари таъмирлашга киришган бетакрор ёдгорликлар орасида «Боғча дарвоза» ҳам бор. Ичон қалъанинг тўрт дарвозасидан бири бўлган бу меъморий обида тўртбурчак юпқа пишиқ ғиштдан қурилган бўлса-да, унга ҳам вақт ўз таъсирини ўтказган эди.

Таъмирлаш ишлари республика «Меъмор» уюшмаси билан ҳамкорликда бажарилмоқда. Байрам кунларида бу ерга ташриф буюрадиган меҳмонлар «Эртаклар шаҳри» — Хевага шу дарвоза орқали кириши кутиляпти.

Р. ХАСАН.

МУҚИМИЙ ҚАДАМЖОЛАРИ БЎЙЛАБ

Фарғоналик бир гуруҳ олимлар, шоиру ёзувчилар мумтоз шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимийнинг «Саёҳатнома» асари бўйича илмий-адабий сафарда бўлди. Сафар Қўқон шаҳридаги «Соҳибзода Ҳазрат» мадрасасида жойлашган Муқимий уй-музейини зиёрат қилишдан бошланди. Экспедиция қатнашчилари Ўзбекистон, Бағдод, Риштон, Олтиариқ, Фарғона туманларидаги шоир қадами теккан қишлоқларда бўлиб, адабиёт мухлислари билан учрашувлар ўтказдилар.

Р. КАМОЛОВ.

МУСТАҚИЛЛИК ТЕНГДОШИ

Самарқанд телевизион ижодий уюшмаси ташкил этилганига беш йил тўлди. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунларида иш бошлаган бу ёш жамоа ўз кўрсатувларида Самарқанд тарихи, кўҳна шаҳарда яшаган аждодларимизнинг озодлик йўлида олиб борган кураши, истиқлол туфайли халқимиз бунёдкорликнинг кенг йўлига чиқиб олганини акс эттирувчи ранг-баранг материалларни тайёрламоқда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалаларига эътиборни қаратмоқда. Жамоа буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб етти қисмдан иборат ҳужжатли фильм устида ишламоқда.

Уюшма ташкил этилганининг беш йиллигига бағишланган тадбирда вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

ҚИЗИҚЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Андижоннинг Хонобод шаҳрида ўтказилган вилоят қизиқчилари кўрик-танлови Ўзбекистон халқ артисти машҳур куллги дарғаси Сойиб Ҳўжаев хотирасига бағишланди. Минглаб томошабинларни шаҳар маданият ва истироҳат боғига чорлаган бу тадбирда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан, қўшни Қирғизистон республикасининг Ўш ва Жалолобод вилоятларидан қизиқчилар, аскиячилар қатнашди. Биринчи ўрин вилоят марказидаги Аббос Бакиров номли ёшлар театри актёри қизиқчи Воҳиджон Турдиевга насиб этди.

К. НИЗОМОВ.

АСҚАРПОЛВОН

Маҳалламиз кексаларининг бир суҳбатида хўжалигимизнинг илк саркардаларидан Асқарполвон ва Йўлдош ҳосилот ҳақида сўз очилиб қолди.

— Қалам соҳибларига ҳайронман, — деди ҳазил аралаш бир мўйсафид, — улар кўпинча казо-казолар тўғрисида ёзишади-ю, лекин, одамлар бошини қовуштириб, хўжаликни тиклаган жафокашлар сояда қолиб кетаверади. Бир мисол келтирай. Қишлоқларни дастлаб ислоҳ қилишда Асқарполвоннинг хизматлари таҳсинга лойиқ, мақтаса арзигулик бўлган. У қақраб ётган ерларга ариқ қазиб сув келтирган, деҳқончиликда унинг олдига тушадигани кам бўлган. Тақдир экан-да, ундан чиғоғини ёқадиган на бир зурриёт, ишини юзага чиқарадиган на бир жонкуяр шогирд қолди.

...Оқсоқоллар гурунгида ўтирар эканман, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари қобиғига ўралашиб, обод қишлоғимиз, турмуш тарзимизга тамал тошини қўйганларни хотирлашни кўнгилдан ўтказдим.

Камина истиқомат қилаётган гўшанинг ўтмиши-ю ҳозирги манзарасини қиёслаш, Асқарполвон тимсолини ўрганиш туйғуси қўлга қалам олишга даъват этди.

Асқарполвон ким? У ҳўжаликни юритиш ва тиклашда қандай ишлар қилди?

Юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида 1935—1940 йилларда туманда турли лавозимларда фаолият кўрсатган 84 ёшли нафақадор Туронқул Мавлонов, Асқарполвоннинг энг кенжа жияни Тўхтамирза Қосимовлар билан мулоқотда бўлдим. Ҳўжалик тарихи битилган китобни мутолаа қилдим...

Асқар Қосимов 1866 йилда Андижонда таваллуд топган. У ёшлигидан тенгқурлари билан кураш тушган. Гоҳида йиқилган, лекин рақибларини йиқитиб кўли баланд келган пайтлари кўп бўлган.

Водий вилоятларининг азалий анъаналарига кўра ҳар бир тўй ёки халқ сайиллари курашсиз ўтмайди. Ана шундай миллий мусобақаларда қатнашиб, довруғ таратган Асқарга «полвон» номи берилиб, эл-юрт ичида Асқарполвон дея юритила бошланди.

Андижонда Комилбой деган катта бой ўтган. Унинг кураги ерга тегмаган полвони бўлиб, унга яқин атрофда ҳеч ким бас келолмаган экан. Йирик бир сайлда Асқарполвон Комилбойнинг ана шу донгдор полвони билан курашга тушади. Даврада узоқ олишувдан кейин Асқар ўзидан анча бакувват бўлган донгдор полвонни йиқитиб, ғолиб чиқади, олкишга сазовор бўлади.

Лекин Комилбой бунга чидай олмай, бир полвонни чақириб Асқарполвонни ўлдиришни топширади. «Қарға-қарғанинг кўзини чўқимайди» дегандай, бойнинг полвони Асқарполвонга бундай дейди:— мен сенинг курашлардаги маҳоратларингни кўрдим ва тан бердим. Энди бир сирни очиқ айтайин... Бу жойдан зудлик билан бош олиб кет, йўқса... Мен бўлмасам, бошқасини ёллаб бўлса ҳам сени ўлдиртиради, ўчини олади у бадбахт бой!..

Ҳаётининг хавф остида қолганини сезган А. Қосимов оиласини Андижонда қолдириб, бир кечада она қишлоғидан чиқиб кетади. 1912 йилдан 1927 йилгача аввал Анғрен шаҳрида, кейинчалик эса Олимкент қишлоғида ҳар кимнинг эшигида ишлаб юради. Тез орада Асқарполвоннинг меҳнатсеварлиги, халоллиги, тадбиркорлиги, мулойим муомаласию, полвонсифат гавдаси кўпчиликнинг диққатини ўзига тортади. Олимкентда дурустгина ер эгаси бўлган Аширбек Орзиқулов А. Қосимовни ўз дарғоҳига чорлайди ва ерига турли хил полиз экинлари экишни топширади. Бу Асқарнинг кўнглидаги айни муддао эди. У бир қарич ерни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Ҳўжаси айтганидек, турли сара уруғларни топади ва экади. Ишбилармоннинг тинимсиз меҳнатлари ўз мевасини кўрсатади. Экинлар йиғиштирилгач, куз, қиш ва баҳор пайтларида Асқар курашларини канда қилмади; қўшни қишлоқ ва туманларда мусобақаларда қатнашиб, шуҳрати орта борди.

Асқарполвоннинг юқоридаги сифатларини назарда тутиб уни илк бор тузилган «Кўрғонтепа» хўжалигига бошлиқ этиб сайлашди. Лекин хўжалик аъзоларининг бирортасида ерга ишлов берадиган на оти ва на хўкизи бор эди. Қишлоқ кенгаши янги хўжаликка 50 гектар бўз ер, 100 гектар лалмикор ер ажратди. Ерларни ишлаш учун қарзга иш ҳайвонлари, омоч-бўйинтуруқ ва уруғлик олинди. Дастлабки йилиёқ 100 гектар лалмикор ерга буғдой, 40 гектарга чигит экилди. Кўтарма ариқ қурилиб, сув келтирилди. Одамларнинг кўпчилиги ўз уй-жойларига эга эмас эди. Шунинг учун улар дала бошида қолишар, чайлалар қуриб, эрта тонгдан то кош қорайгунча тер тўкиб, меҳнат қилар эдилар. Сардор Асқарполвон ҳар бир киши билан дилдан суҳбатлашар, бажарилиши лозим бўлган режалар тўғрисида ошкор мулоқот юритарди. Унинг фикри-хаёли сув чиқариш мумкин бўлмаган ташландиқ ерларни ўзлаштириш, сув келтириш билан банд эди.

Хотира

Қишлокнинг қоқ ўртасида сўзанадаги ямоқдек «ўпкон» деган жой бўларди. Бошлиқнинг кўрсатмаси билан шу ерга ҳам баҳорда чигит қадади. Бу ердаги экинзорларга сув келтириш-ечимини кутаётган муаммо эди.

Асқарполвоннинг чизмаси билан Олимкент қабристони ёнидан то қўшни қишлоқ — ҳозирги «Маданият» жамоа хўжалиги чегарасигача айланма-кўтарма канал қаздирилди.

«Кўрғонтепа» артелининг аъзолари барча қийинчиликларни ортда қолдириб, дастлабки йилнинг ўзидаёқ буғдойдан баракали хирмон кўтардилар. Жамоага бирлашган 40 га яқин хонадон ўз моддий турмушини анча яхшилаб олдилар. Давлатга белгиланганидан ортиқча маҳсулот етказиб бериш натижасида қарзга олиб фойдаланилган от-улов ва уруғлик ҳақи ҳам тўланди. Давр талабига кўра фойдаланилмаётган қир-адирлар, лалмикор ерларни ўзлаштириб, кўпроқ ғалла экишга рухсат этилганди. 1930 йилда пахта майдони 10 гектарга кенгайтирилиб, жами 50 гектарга етказилди, ғаллазорлар ҳам анча кенгайди.

Умуман олганда хўжалик аъзоларининг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишлари туфайли режадагидан кўп ҳосил етиштирилди. Унинг бир қисми давлатга, қолгани эса деҳқонларга тақсимлаб берилди.

1950 — 1960 йилларда Олимкент атрофида йирик бозор бўлмаган. Маҳаллий аҳоли икки дарё — Оҳангарон ва Қорасувдан ўтиб, бозорга боришарди. Баҳорги сув тошқинида дарёлардан туялар, отлар ёрдамида ўтишса, куз ва қишнинг қировли кунларида пуллик ясама кўприклардан катнашарди. Ёши бир жойга бориб қолишига қарамай Асқарполвон юкини орқалаб совуқ кунларда ҳам дарёлардан кечиб ўтиб, бозор қиларди. У 1951 йилда 85 ёшида ҳаётдан кўз юмди...

Орадан йиллар ўтди. Ҳозирги кунда Асқарполвондан бизгача етиб келган биргина ёдгорлик бор. Унинг чизмаси асосида қазиб қурилган ариқ — Оҳунбобоев номидаги канал ҳануэгача эски Олимкент қишлоғини, аниқроғи туманнинг энг йирик хўжалиги ҳисобланган «Гулистон» жамоа хўжалиги марказий ерларидаги экинзорлар ва боғларни оби-ҳаёт билан таъминлаб турипти. Ўша вақтдаги қамиш чайлаларда яшаган одамларнинг авлодлари бугунги кунда шаҳарнамо замонавий қишлоқда камол топмоқдалар. «Ўпкон» деб юритилган жойда эса 4-ўрта мактаб биноси қад ростлаган. Унда 800 дан ортиқ қишлоқ ёшлари, 70 га яқин муаллимлардан таълим-тарбия сабоқларини олиб ўсмоқдалар.

Мустақил мамлакатимизнинг нурафшон кунларига етганлар бор, етмаганлар бор. Биз марҳум юртдошларимиз руҳи поклари олдида бош эгиб, таъзим қиламиз ва охиратларининг ҳамиша обод бўлишини Оллоҳдан тилаб қоламиз.

Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ, Оққўрғон тумани.

«ИПАК ЙЎЛИ: ЯНГИ ФАЛСАФА»

Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг кўргазмалар залида кулолчи санъаткорлар асарлари намойиш қилина бошланди.

Кўргазма «Ипак йўли: янги фалсафа» мавзусига бағишлаб Тошкентда ўтказилган санъаткор кулоллар халқаро симпозиумининг якунидир.

Бу ерда намойиш қилинаётган асарларнинг муаллифлари — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Швейцария ва Франция ижодкорлари ўз асарларида тарихга ҳамда инсоният тараққиёти тадрижининг бир бўғини ҳисобланган ҳозирги жараёнларга муносабатларини мужассамлаштиришга ҳаракат қилган. Бу асарларнинг асосий ғояси Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги бўлиб, Ипак йўли ана шу алоқанинг рамзидир.

Сопол ҳайкаллар бўйича ер юзининг барча бурчагида яшайдиган ижодкорлар иштирокида бундай анжуманларни ўтказиш республикамизда анъанага айлангани диққатга сазовордир. Бу анжуманлар ижодкор зиёлиларнинг ўзаро мулоқотига, тажриба алмашишига ёрдам берибгина қолмай, жаҳон маданияти марказларидан бири бўлган Тошкентнинг нуфузини ҳам оширади.

(ЎзА).

Ватанни севмоқ иймондандир

ТЕМУРГА ЎХШАДИНГ, БОЛАКАЙ...

ОҲАНГАРОН тумани марказидан анча олисда — маҳобатли ва кўркам тоғлар оралиғида жойлашган Кўчбулоқ қишлоғида анчадан бери бундай тантана бўлмаган эди... Рост, ҳали бу ерда, ҳов, уч йил бурун тоғ силжиши натижасида рўй берган табиий фалокат ўз изларини беркитиб улгургани йўқ. Кўчкидан жабр кўрган содда ва меҳнаткаш тоғлик кишилар, ҳали-да, ўша кунларнинг оғир ва изтиробли ўйлари билан яшайдилар... Аммо инсон қалбидан ҳар қандай ғамни аритгувчи, яхши кунларга умид билан етаклагувчи қудратли бир куч бор: у ҳам бўлса — МЕҲР-ОҚИБАТ... Кўчбулоқликлар бир-бирларига суянч ва юпанч бўлганликлари туфайли қисқа вақт ичида ўзларини тутиб олдилар. Ҳозир бу қишлоқда ободончилик ишлари-ю, аҳолининг тириш-турмуши билан боғлиқ бошқа юмушлар анча маромига тушиб қолди. Бугун эса...

Бугун эса қишлоқ зиёлилари ва оқсоқолларнинг маслаҳати билан Амир Темур номли 25-мактабда Соҳибқироннинг 660 йиллигига бағишланган ажойиб тадбир ўтказилмоқда. Шу қишлоқнинг пиру-бадавлат қариялари, таклиф этилган бошқа азиз меҳмонлар, ўқитувчи ва ўқувчилар, шоир ва санъаткорлар мактабнинг чоққина залида жамул-жам бўлдилар. Мана, парда очилиб, Амир Темур қиёфасида сахнага кўтарилган қишлоқ боласи... У ўзидаги ҳаяжонни сездирмасликка уриниб, қироат билан сўзлайди:

Биз ким, мулки Турон,
Амири Туркистонмиз.
Биз ким, миллатларнинг
Энг қадими ва энг улуғи
Туркнинг бош бўғинимиз!

Тўғри, у эҳтимол Темур «роли»ни етук артистлардек маромига етказиб ўйнолмагандир. Аммо ундаги ички тасаввур — айнан Амир Темурга ўхшашга интилиш, одамлар қаршисига улуғ соҳибқирон кўринишида чиқиб келишдан фахрланиш туйғуси болани қанчалар ҳаяжонга солаётгани шундоққина сезилиб турарди. Табиийки, ўқувчидаги фахр туйғуси ўз-ўзидан бошқаларга ҳам кўчди: йиғилганлар ўзлари сезмаган ҳолда қаддиларини баландроқ кўтардилар...

Ҳа, унитилаёзган тарих ҳақиқатларини тиклamoқ, улуғларни танимоқ — ўзликни англamoқдир! Сен бугун илк бор Амир Темур бўлдинг, болакай! Бугун бироз тутила-тутила, ватан, иймон, адолатпешалик ҳақида айтган сўзларинг эртага мағрурроқ жаранглайди! Чунки сенинг ва сен каби юзлаб болаларнинг покиза қалби асл Темурни таниди, унинг ҳаёт сабоқлари ҳақидаги ўгитларини юрагига жойлади! «Мен Темур бўламан» деб отилиб чиққанинг қутлуғ бўлсин...

— Мустақиллик бўлмаганида бунақа тўйлар қаёқдайди, — дейди мактаб директори Абдукарим ака Ғофуров. — Болаларга «Темур — босқинчи, Темур — оқсоқ» деб ҳалигача эски ғилдиракни айлантириб юраверармидик... Мустақиллик бизга нафақат озодлик берди, балки нурдан тўсиб қўйилган кўзларимизни ҳам очиб юборди. Ҳозир соҳибқирон номи билан аталадиган мактабимизда Амир Темурнинг ҳаёти ва ишларини чуқурроқ ўрганиш ҳаракати бошланган. Шу мавзуда турли тадбирлар, учрашувлар, тарихчи олимлар билан суҳбатлар уюштираяпмиз. Бугунги тадбирнинг самимий ва қизиқарли ўтаётганидан, тўғрироғи, ўзим ҳам ҳаяжондаман.

Дарҳақиқат, тадбирда иштирок этган Ангрен политехникуми ўқитувчиси —,Турсунқул Раззоқов, туманда чиқадиган «Оҳангарон» газетаси муҳаррири Абдусамат Абдулҳақовларнинг қизиқарли маърузалари барчага манзур бўлди.

— Биз мактабларда кўпинча турли жой ва турли воқеалар тарихини қизиқиб ўрганамиз-у, лекин ўзимиз туғилиб ўсган, ўзимиз яшаётган қишлоқ ёки воҳанинг тарихини ҳар доим ҳам билавермаймиз, — деди А. Абдулҳақов. — Вақоланки, Оҳангарон воҳаси ҳам темурийлар даврида ўзига хос тарихни бошидан кечирган. Қадимда Оҳангарон водийсида Илоқ деб аталган улкан давлат бўлган. Пойтахти ҳозирги Бирлик қишлоғи ҳудудидаги ерларда бўлиб, у Тункат шаҳри, деб юритилган. Илоқ ҳукмдорлари «Илоқ деҳқонлари» унвони билан аталган ва улар катта иқтисодий ҳамда сиёсий кучга эга бўлганлар. Аҳоли асосан деҳқончилик, чорвачилик, кенг миқёсда маъдан қазиш ва ҳунармандчилик билан шуғулланган.



Бу давлат VI—VII асрларда Шошга қўшилган. Ўзининг олтин, кумуш тангалари бўлган. X асрда Мовароуннаҳрда танга зарбхоналари фақат Самарқанд билан Илоқнинг пойтахти Тункат шаҳридагина бўлган...

Ўтмиш ва келажак... Бу икки тушунчанинг ўртасида қандай боғлиқлик бор? Бугунги кунимиз ва бугун ташлаётган қадамимизчи? У ўзимиз орзу қилган «буюк келажак»ка тўғри йўл сола оладими? Қишлоқ қарияси Қўшбой ота Мусурмонов, Сусам қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Сайфуддин Йўлдошев бу мавзуда жуда ибратли фикрларни айтдилар. Яна Темур ўгитлари ёрдамга келди, ҳукуматимиз олиб бораётган адолатли ишлар қиёс сифатида тилларга тушди...

Албатта ҳеч бир тадбир куй-қўшиқсиз, шу кун нафаси уриб турган янги шеърларсиз ўтмайди. Оҳангаронлик шоирлар Турсунали Жуманов, Неъмат Душаев, Зиёда Йўлдошевалар Амир Темурнинг муборак тўйи муносабати билан ёзган янги шеърларидан намуналар ўқидилар. Тумандаги истеъдодли қўшиқчилар ва мактабнинг ёш бадиий ҳаваскорлари ўз санъатлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

...Тадбир тугаб, меҳмону-мезбонлар хайр-хўшлашаётган пайтда қариялардан бири шундай деб қолди:

— Амир Темур тарихини ўрганиш, унинг мана бундай катта тўйларини республика миқёсида ўтказиш Амир Темур тирилиб келди, деган билан баробардир. Ҳукуматимиз кўп ўйлаб, ҳўп ўйлаб қилаяпти бу ишларни. Иншоолло, давлатимиз бир пайтлар Темур барпо қилганидек улуғ ва қудратли давлатга айланажакдир...

Зарифа ЭРАЛИЕВА.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

МАҲАЛЛАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистонда футболни янада ривожлантириш ҳақидаги ҳукумат қарорidan сўнг жойларда спортнинг бу турига эътибор тобора ортмоқда.

ЧИНОЗ тумани қишлоқ, шаҳар маҳаллалари ўртасида футбол бўйича биринчилик мусобақалари бўлиб ўтди. 11та маҳалла футболчилари икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашдилар. Бу учрашувларда «эски Тошкент» ҳамда «Ўзбекистон» қишлоқлари футбол жамоалари финалга йўлланма олдилар. Сўнгги ҳал қилувчи ўйинда, «эски Тошкент» маҳалласи ўйинчилари 2:1 ҳисобида ғолиб чиқиб, хомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ

Чиноз тумани Олмазор қўрғонидаги спорт мажмуида оғир атлетика бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

МУСОБАҚАДА Юқоричирчиқ, Янгийўл, Зангиота, Чиноз туманлари ва Чирчиқ шаҳри спорт мактабларининг оғир атлетикачилари қатнашдилар. Уч кун давом этган мусобақаларда жамоа ҳисобида Чиноз болалар ва ўсмирлар спорт мактаби полвонлари биринчи ўринни эгалладилар.

Вазн тоифалари бўйича чемпионлик А. Теганян, Ш. Носиров, Ш. Юсупов, Э. Пирназаров, А. Исоқов, А. Кулов, юқоричирчиқлик Д. Ким, В. Чен, А. Мумбоев, Д. Кимлар ғолибликни қўлга киритдилар. Ғолиблар шу кунларда Андижонда ўтаётган болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган республика биринчилигида иштирок этяптилар.

Ҳамроқул СУЛАЙМОНОВ.

БУГУН КИМНИНГ ОМАДИ ЧОПАДИ

БУГУН ва эртага олий табақа жамоалари мамлакат биринчилигининг навбатдаги олтинчи тур ўйинларини ўтказишади. Вилоятимизнинг «Дўстлик» футболчилари Ургенчда «Динамо» билан ўйнайдилар.

Шу турнинг асосий учрашувларидан бири Бухорода бўлади. Маҳаллий «Нурафшон» футболчилари бугунгача турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини қабул қилади. Иккинчи ўринда бораётган «Нефтчи» ўз майдонида Самарқанд «Динамо»си билан учрашади.

Агар турнир жадвалига назар ташлайдиган бўлсак «Дўстлик» жамоасини пешқадамлар сафида кўрамиз. «Ҳужум муваффақият гарови» шиорига амал қилаётган футболчиларимиз ҳаммадан кўп 14 та тўп киритишганлиги ҳам қувонарлидир. Тўпурарлар баҳсида эса Жафар Ирисметов (7 та) пешқадамлик қилмоқда.

Жамоаларнинг турнир жадвали:

Жамоалар	Ю.	Д.	М.	Т/Н.	О.
«Навбаҳор»	4	1	0	13-1	13
«Нефтчи»	4	0	1	11-6	12
МХСК	3	1	1	10-5	10
«Дўстлик»	3	0	2	14-9	9
«Сўғдиёна»	3	0	2	9-4	9
«Нурафшон»	3	0	2	8-4	9
«Наврўз»	3	0	2	8-6	9
«Пахтакор»	3	0	2	6-5	9
«Трактор»	2	1	2	7-6	7
«Динамо»(С)	2	0	3	5-6	6
«Атласчи»	2	0	3	6-14	6
«Янгиер»	1	2	2	5-7	5
АСК	1	0	4	1-9	4
«Машъал»	1	0	4	3-11	3
«Динамо»(У)	1	0	4	5-14	3
«Косонсой»	0	2	3	3-7	2

БИЗ ЎЙЛАГАН НАТИЖА ЭМАС

ЭШКАК эшиш спортида Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари спортчилари нафақат вилоятда балки республикада кучли жамоалар ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон спартакиадаси дастури асосида ўтказилган мусобақаларда Тошкент вилояти жамоаси ғолибликка асосий давогар эди. Лекин, вилоятимиз вакиллари бу сафар Самарқанд вилояти жамоасига ён бериб, умумий иккинчи ўрин билан кифояланишга мажбур бўлдилар.

Тўғри беллашувларнинг қатор турларида Тошкент вилояти вакиллари ғолиб келдилар. Жумладан 2000 метрга якка бахсда Константин Пак, шу масофага аёллар жуфтлигида Севара Ғаниева ва Евгения Салоҳиддинова, эркаклар баҳсида Темур Ғаниев билан Евгений Саидов биринчи бўлишди. Тўрт кишилик эшкак эшишда ҳам Тошкент вилояти вакиллари биринчи бўлдилар. Бироқ бу муваффақиятлар умумжамоа ҳисобида бош совринни қўлга киритишга камлик қилди. 668 очко жамғарган Самарқанд вилояти биринчи, Тошкент вилояти иккинчи ўринни эгаллади. 605 очко билан учинчи совринли ўринни олган Қорақалпоғистон вакилларининг натижаси кўпчилик учун кутилмаган ютуқ бўлди.

Умуман Ўзбекистон спартакиадасида 14 жамоа қатнашмоқда. Эшкак эшувчилар мусобақасида эса атиги 6 жамоа қатнашди холос.

Спартакиада дастури асосида поёнига етган 12 тур натижаларидан сўнг 2561 очко тўплаган Тошкент шаҳри вакиллари олдинда боришмоқда. Иккинчи ўринни эгаллаб турган Самарқанд вилояти жамоаси ҳисобида 2248 очко, учинчи ўринда бораётган вилоятимиз вакиллари ҳисобида 2082 очко бор.

Шарофиддин АКБАРОВ.

ҒОЛИБЛАР САМАРҚАНДГА БОРАДИЛАР

ВИЛОЯТИМИЗДА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ЯКУНИЙ ЎЙИНЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

ЮРТБОШИМИЗНИНГ соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш, Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга оид фармони ва ҳукуматимиз қарорлари ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топиб бормоқда.

Шу йилнинг биринчи чорагидан бошлаб, Тошкент вилояти ҳунар-техника билим юртларида спортнинг қатор турлари бўйича ўтказиб келинаётган мусобақаларнинг тобора кенг қулоч ёйётганлиги буни яна бир бор кўрсатди.

— Бундай мусобақалар илгари биз учун ҳавас эди, энди эса анъанага айланди, — деди ёшларни табриклар экан вилоят спорт қўмитаси раиси муовини А. Теплов ўтган шанба куни Қибрай ҳунар-лицейидаги спорт байрамида сўзлаб...

Учрашувда футбол, баскетбол, волейбол бўйича вилоятимиздаги шаҳар ва қишлоқлар ҳунар билим юртларининг ўнта жамоаси баҳслашдилар. Мусобақа шартларига кўра учрашув ғолиблари Самарқандда ўтказиладиган республика кўригида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлажаклари маълум қилингандан кейин, кураш янада қизиб кетди.

Беллашувларда Қибрай ҳунар лицейи Ангрен шаҳрининг 30-ҳунар-техника билим юрти талабалари (ўғил болалар) билан баскетбол, футбол бўйича куч синашдилар. Баскетболда ангренликлар, футболда қибрайликлар устун келишди. Оққўрғон ҳунар лицейи ва Ангрен шаҳрининг 17-ҳунар-техника билим юрти баскетболчилари ўртасидаги баҳсда ютуқ ангренликларга насиб этди. Волейбол бўйича Янгиобод шаҳри техника лицейи ва Оққўрғон ҳунар лицейи беллашувида оққўрғонликлар қўли баланд келди. Спортнинг бу тури бўйича Бекобод тумани ва Ангреннинг 30-ҳунар билим юрти қизлари ўртасидаги мусобақада ангренлик спортчилар анча маҳоратли эканликларини кўрсатиб, ғалаба қозондилар.

Шу куни мусобақа ташкилотчилари, ҳунар-техника билим юртларининг бир қатор мутахассислари билан суҳбатлашдик. Улар вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Хусниддин МИРЗАЕВ,
Меҳнат резервлари вилоят кўнгилли спорт жамияти раисининг муовини:

— КЎП ЙИЛЛИК иш фаолиятим мобайнида шуни аниқ сездимки, ўсмирлар ўртасида спортга қизиқиш тобора ошмоқда. Президентимизнинг бу соҳага эътиборни кучайтириш билан боғлиқ кўрсатмаларидан кейин, ҳаракат янада жонланиб кетди. Шаҳар ва туманлар ҳунар техника билим юртларида биттадан эмас, ҳатто, спортнинг ҳар хил турлари бўйича икки ўтчадан жамоалар шаклланди.

Айни пайтда ҳали қишлоқда спортни ривожлантириш учун яна кўп иш қилишимиз керак. Бу борада вилоят халқ таълими бошқармаси билан биргаликда зарур тадбирларни белгилаганмиз. Билим юртларида моддий базани мустаҳкамлаш, малакали спортчиларни тарбиялаш мураббий кадрларни бозор иқтисодиёти шарт-шароитларида қўллаб-қувватлаб бориш режамиздан ўрин олган.

Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг муовини:

—ГЎЗАЛЛИК ва саломатлик манбаи бўлган жисмоний тарбия ҳамда спорт мустақил республикамизда эндиликда ўзгача мазмун билан ривож топиб бормоқда. Ўзбекистоннинг жаҳондаги мавқеини оширишда бу соҳа катта аҳамият касб этаётганлиги ҳаммамизга аён. Хорижда қатор спортчиларимиз жаҳон миқёсидаги катта спорт тадбирларида ғолиб чиқиб, Республикамиз байроғи кўтарилганда ҳар биримизнинг дилимиз зўр ифтихор ва қувончга тўлади.

Спорт — дўстлик ва ҳамкорлик тимсоли. Вилоятдаги 33 та ҳунар маскани ўқувчиларида бу соҳага меҳр уйғотиш учун анчагина ишлар қилинди. Моддий базани мустаҳкамлаш, ўйингоҳлар, спорт майдончалари ташкил этишга эътиборни кучайтирдик. Кадрлар танқислигининг олдини олиш мақсадида, ўқитувчилар билан шартнома асосида ишлаш йўлга қўйилди. Уларни кийим кечак, моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаш масалалари қонуний тарзда ҳал этилмоқда.

Жисмоний тарбия ва спортга вилоят ҳокимлиги алоҳида эътибор бераётганлиги нур устига аъло нур бўлди. Бу келгусида ёшлар орасидан малакали спортчилар тайёрлашга катта ёрдам беради.

Шуҳрат ИСКАНДАРОВ,
Қибрай ҳунар лицейи директори:

— БУГУНГИ мусобақа очилишида мадҳиямиз янграб Республикамиз байроғини талабамиз Рўзмат Одилов кўтараётганда тўлқинланиб кетдим. Разм солсам атрофимдагиларнинг чеҳрасида ҳам ўзгача ҳаяжон. Спортнинг ўзига хос қудратини яна бир бор ҳис этдим.


Лицейимизда ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун барча имкониятлар бор. «Жисмоний тарбия шаҳарчаси» — ўйингоҳ, волейбол, баскетбол майдончалари, гимнастика, чиниқиш майдонлари мавжуд. Шу боис ҳам вилоят ўқувчиларининг турли тадбирлари бизда бўлиб ўтади.


Имкониятларга яраша ўқувчиларнинг қизиқиши ҳам катта. Биз ана шу эҳтиёжни қондириш учун турли спорт шоҳобчаларини кўпайтириб бормоқдамиз.

Вагиз АБДУЛИН,
Ангрендаги 30-ҳунар техника билим юрти жисмоний тарбия раҳбари:

— БУГУНГИ мусобақаларда билим юртимиз командалари баскетбол, волейбол бўйича ўтган баҳсларда биринчи ўринни эгалладилар. Бу командалар Самарқанд спорт байрамига йўл олишади. Уларни чин кўнгилдан табриклайман. Шу билан биргаликда, тадбирни уюшқоқлик билан ташкил этганликлари учун меҳнат резервлари кўнгилли спорт жамияти вилоят бўлимига, Қибрай ҳунар лицейи раҳбарларига билим юртимиз номидан раҳмат айтаман. Айниқса кўнгилли жамият ғолиб чиққан спортчиларни рағбатлантиришга эътибор берганлиги яхши бўлди. Бу келгусида уларни катта спорт кучоғига жалб этса ажаб эмас.

Саидвали ҲАСАНОВ.











Даврон АҲМАД тасвирга туширган бу лавҳаларда якуний мусобақанинг қизғин лаҳзаларини ва ғолиблар гуруҳларидан айримларини кўриб турибсиз.

ЭЪЛОНЛАР

«АГРОМАШ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ қуйидаги маҳсулотларни СОТАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИ:

роторли ўт ўриш ва майдалагич машинаси — РЎМ—1,5,
ғилдиракли тракторларга осма 2-корпусли плуглар,
Асалари уясини ташувчи тиркамалар ПТП-32,
Пилла тозалайдиган машина ЧК-1,
Бетон қориштиргич БС-0,5.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИ УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР:

Пахта ташиш аравалари учун тиркама,
Т-4 тракторлари учун қожух-бортовой,
РЎМ-1,5 машинаси учун пичоқ ва кронштейнлар,
Ҳар хил ўлчам гайкали-ключлар.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Янгийўл тумани, «Гулбаҳор» қўрғони «АГРОМАШ» ҳиссадорлик жамияти.

ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРУВЧИ, ЕР ЭГАЛАРИ ВА ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Республика ҳудудидан халқаро алоқа кабеллар ўтказилган ва улардан амалда фойдаланилади. Ушбу кабеллар шикастланиши телефон сўзлашувларининг бузилишига, телеграммаларни кечикиб келишига олиб келади.

КАБЕЛЛАРНИНГ ШИКАСТЛАНИШИ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИГА ВА АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИГА КАТТА ЗАРАР КЕЛТИРАДИ.



Ҳукумат қарори билан алоқа кабелларини муҳофаза қилиш масофаси 4 м. кенглик атрофида белгиланган.

МУҲОФАЗА ДОИРАСИДА, КАБЕЛЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАР РУХСАТНОМАСИЗ БАРЧА ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ, ДАРАХТЛАРНИ ЭКИШ, ОМБОРХОНАЛАР ВА АВТОТРАНСПОРТ УЧУН ТЎХТАШ ЖОЙЛАРИНИ ҚУРИШ ТАҚИҚЛАНАДИ.

Шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги алоқа кабеллари устун ва махсус белгилар билан белгиланган.

БЕЛГИЛАРДА ТАШКИЛОТНИНГ МАНЗИЛГОҲИ ВА ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ КЎРСАТИЛГАН, АГАР МУҲОФАЗА ДОИРАСИДА ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ЗАРУРИЯТИ ТУҒИЛСА, УШБУ ТАШКИЛОТГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАҲАРЛАРИДА ЕР ИШЛАРИ ФАҚАТ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТЛАРНИНГ ТЕГИШЛИ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ОРДЕР (РУХСАТНОМА) АСОСИДА ОЛИБ БОРИЛИШИ МУМКИН.

Алоқа кабеллар трассасида ер ишларининг келишилмаган ҳолда олиб борилишига йўл қўйманглар.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИГА ШИКАСТ КЕЛТИРГАНЛАР ҚОНУН АСОСИДА ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИЛАР.

Келишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28"а» уй, А. В. ШАТХИЧБ.
Телефонлар: 44-29-59, 35-20-74.

АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ, ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0245. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 10060нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 20.00 1 2 3 4 5 6